Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 202 (20. 170) • 1988 йил 3 сентябрь • шанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XI ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XIX БУТУНИТТИФОҚ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯХШИЛАШ СОҲАСИДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шуни қайд этадики, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси мамлакат тақдири учун зўр тарихий аҳамиятга молик жуда катта воқеа бўлди. Конференция қабул этган қарорларни амалга ошириш қайта қуриш жараёнларини, туб иқтисодий ислоҳотни ва совет жамиятини демократиялашни анча жадаллаштириш имконини беради.

Социал-иқтисодий соҳада халқ фаровонлигининг энг зарур муаммоларини ҳал этишни ва, аввало, мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашни анча яхшилашни жадаллаштиришдан иборат жуда муҳим вазифа ўртага қўйилди. Партия буни туб социал-сиёсий масала, деб билади.

Бутуниттифоқ партия конференциясида, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида Ўзбекистон ССР турғунлик ҳодисалари учун, қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағларнинг самарадорлиги пастлиги учун танқид қилинди. Аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш даражаси кўпаймаяпти, қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш ҳажмларининг ортиши эса аҳоли кўпайиб бораётган қисмининг эҳтиёжларини қондиришнигина таъминламоқда.

Табиий-иқлим шароитларидан ва агросаноат комплексининг иқтисодий потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги вужудга келган аҳволнинг асосий сабабидир. Кейинги ўн йил мобайнида агросаноат комплексини ривожлантиришга 36 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди, асосий ишлаб чиқариш фондлари салкам беш ҳисса кўпайди, бироқ ялпи маҳсулот атиги 40 процент ортди, фондларнинг самарадорлиги учдан бир ҳисса камайди.

Пахтачилик хўжаликлари алмашлаб экишни ўзлаштиришдан, ғўза ҳосилдорлигини оширишдан ва суғориладиган экинзорларни озиқ-овқат экинлари учун бўшатиб олишдан дурустроқ манфаатдор бўлмаяптилар. Мева-сабзавот тармоғининг ривожланиши Озиқ-овқат программаси топшириқларидан анча орқада қолмоқда. Кейинги йилларда ихтисослаштирилган боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари камайди, кўпгина областларда мева-сабзавотнинг ялпи ҳосили озайди. Картошкакорлик ўз холига ташлаб қўйилган, шу маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг атиги учдан бир қисми республикада етиштирилган картошка ҳисобига қондирилмоқда. Мева, узум ва сабзавот ҳосилдорлиги ҳамон пастлигича турибди, колхоз ва совхозлар шу маҳсулотларнинг белгиланган турларини етиштириш ва тайёрлаш планларини узлуксиз бажармай келмоқдалар. Кўпгина областларда данакли мевалар харид қилиш ҳажмлари икки бараварга яқин камайди, уларни умумиттифоқ ва республика фондига етказиб беришга оид шартномалар бажарилмаяпти. Теплица хўжаликлари имкониятларининг ярмисидан фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳри ва бошқа саноат марказлари аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш муаммолари ҳамон ўткир бўлиб турибди.

Дончилик барқарор ривожланмаяпти, кейинги беш йил мобайнида шоли етиштириш ва давлатга топшириш планлари бажарилмади. Тупроқ ҳосилдорлигини ошириш учун ўтмишда коллектор-зовур тармоқларини қуриш ва ишлатишда йўл қўйилган жуда кўпол хатоликларни тугатиш, ерларни тайёрлаш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Марказий Комитет пленуми чорвачиликни ривожлантиришга партиявий раҳбарлиқнинг даражаси аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш юзасидан қўйилаётган талаблар ва вазифаларга мувофиқ эмаслигини таъкидлайди. Кўпгина колхоз ва совхозларда қора моллар туёғини мавжуд экинзорларга мувофиқ равишда кўпайтириш имкониятлари рўёбга чиқарилмаяпти. Қўй ва эчкилар туёғи камайиб бормоқда. Наслчилик ва зооветеринария иши қониқарсиз ташкил этилган, чорва моллар ва паррандаларни боқиш ҳамда асраш технологиясига риоя этилмаяпти, чорвачиликдаги кўпгина сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилмаган. Ем-хашак етиштиришни тубдан яхшилашга эришилгани йўқ.

Балиқчилик тармоғининг ишида сезиларли натижалар кўринмаяпти. Уни ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, товар маҳсулот ишлаб чиқариш камайиб кетмоқда, балиқни қайта ишлаш масалалари секинлик билан ҳал қилинмоқда, бу маҳсулот билан савдо қилиш қониқарсиз ташкил этилган.

Пленум республикада корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари, гражданларнинг шахсий хўжаликлари, боғ-полизчилик ширкатларининг аҳоли таъминотини яхшилашдаги ролига етарли баҳо берилмаётганини мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол, деб ҳисоблайди. Бу тармоқларни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни кўпгина министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари бажармаяптилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базаси мушкул аҳволда қолмоқда, шунинг оқибатида кўп нобудгарчиликларга ва сифатнинг пасайишига йўл қўйилмоқда. Бир қанча янги корхоналарни қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш чўзилиб кетмоқда. Қайта ишлаш тармоқларини ўз хом ашё ресурслари билан, шунингдек асбоб-ускуналар билан ҳамда жойлаш учун идишлар билан таъминлаш масалалари сust ҳал этилмоқда. Кўпгина корхоналар хом ашё зоналаридан олисда жойлашган, мева-сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ҳамда қайта ишлаш шу маҳсулотлар етиштириладиган жойларга марказлаштирилмаган. Аҳолини ёғи ҳам ва ёғсиз сут маҳсулотлари, оқсилли ва бошқа қўшимчалар қўшиб тайёрланган гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисобига таъминлашни яхшилаш резервларидан етарли равишда фойдаланилмаяпти.

Аҳолига савдо-сотиқ хизматини яхшилашда тузук силжишлар рўй бермаяпти, бу соҳа одамларнинг социал фаровонлигини оширишга тўсиқ бўлиб қолди. Республика Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари харид қилиш учун навбат кутиб туришга олиб келадиган сабабларни тугатиш юзасидан самарали чораларни кўрмаяптилар.

Пленум шуни таъкидлайдики, агросаноат комплексида ҳозирча бутун бошқарув ва хўжалик юритиш системасини қайта қуриш ҳаддан ташқари секинлик билан бормоқда. Янги иқтисодий механизмни жорий этиш асоссиз равишда пайсалга солинмоқда, кўпгина партия, совет ва хўжалик органларининг раҳбарлари меҳнатнинг пудрат усулларини ва уни рағбатлантиришни ташкил этишда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ва қайта ишлаш тармоқларида ижара пудратини, кооперативларни ривожлантиришда расмиятчилик ҳамда андозачилик фактларига муросасозлик билан қараб келмоқдалар. Зарар кўраётган ва кам рентабелли хўжаликлар сони секинлик билан камаймоқда. Уларни ижарачиларга ва кооперативларга топшириш иши йўлга қўйилмаяпти. Мамлакатда ўзининг яхши хусусиятларини кўрсатган агросаноат комбинатларини, агро-савдо фирмаларини ва маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда сотишни бирлаштиришга асосланган бошқа тузилмаларни барпо этишда журъатсизлик ва қатъиятсизлик қилинмоқда. Хўжаликлар ҳамда ўртача бошқарув бўғини раҳбарларининг анчагина қисми, мутахассислар хўжалик юритишнинг иқтисодий усулларини етарли равишда эгаллаб олмаганлар, янги шароитда ишлашга яхши тайёргарлик кўрмаганлар.

Партия, совет ва хўжалик органлари қишлоқни социал жиҳатдан ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар турмушини, уларга медицина, маданий ва савдо хизматини яхшилашнинг аҳамиятига ҳамон етарли баҳо бермаяптилар.

Пленум озиқ-овқат таъминотининг ҳолати учун биринчи галда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари масъулдирлар, деб ҳисоблайди. Бироқ озиқ-овқат масалалари юзасидан қабул этилаётган қарорлар ташкилотчилик ва сиёсий иш билан етарли равишда мустаҳкамланмаяпти. Область, шаҳар ва район партия комитетлари коммунист раҳбарларга нисбатан юксак талабчанлик қилмаяптилар, масъулиятсизлик ва лоқайдлик фактларига тоқат қилмоқдалар, раҳбарликнинг сиёсий усулларини секинлик билан ўзлаштирмоқдалар, маъмуриятчиликдан ва буйруқбозликтазйиқ усулларидан воз кечганлари йўқ. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари колхоз ва совхозларнинг, савдо ва тайёрлов ташкилотларининг ишини, ёрдамчи хўжаликларнинг ва гражданлар шахсий хўжаликларининг имкониятларини мувофиқлаштириб туриш, шунингдек қўшимча озиқ-овқат ресурсларини қидириб топиш учун ўз ҳуқуқларидан тўла-тўкис фойдаланмаяптилар. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, бошқа илмий муассасалар озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга ҳали ҳам кам ҳисса қўшмоқдалар.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль пленуми йўл-йўриқларига амал қилиб, Марказий Комитет Бюроси, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотларининг коммунист раҳбарлари зиммасига озиқ-овқат муаммосини шошилинч ва ғоят муҳим вазифа деб билиб, бутун ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни ана шу муаммони ҳал этишга қаратиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1989-1995 йилларда республика аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш юзасидан тавсия этган тадбирлари асосан маъқуллансин. Марказий Комитет Бюросига айтилган таклиф ва танқидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб, мазкур тадбирларни ишлаб чиқишни 2-3 ой ичида ниҳоясига етказиш, барча область ва республика қишлоқ хўжалик органлари ҳамда бўлинмалари, шунингдек иттифоқ Госплани ва Давлат агросаноат комитети билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш базасини ривожлантириш истиқболларининг асосий кўрсаткичларини мувофиқлаштириб олиш топширилсин.

Бу йил етиштирилган мўл ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва тайёрлаш ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни сезиларли даражада яхшилаш биринчи галдаги вазифа, деб ҳисоблансин. Шу беш йилликнинг охирига бориб, гўшт етиштириш 25 процент, сут етиштириш 17 процент, мева ва узум етиштириш 1,5 баравар, картошка етиштириш икки баравар кўпайтирилсин, нон-булка, макарон маҳсулотлари, сабзавот, ўсимлик ва мол ёғи истеъмол қилишнинг оқилона нормалари даражасига эришилсин. 1995 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш 1987 йилдагига нисбатан 1,5-2,2 баравар кўпайтирилишига эришилсин. Озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилишни кўпайтириш билан бир қаторда республиканинг умумиттифоқ фондига мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етказиб бериш юзасидан ўсиб бораётган мажбуриятлари бажарилиши таъминлансин.

3. Марказий Комитет пленуми тигиз, аммо бемалол бажарса бўладиган вазифани ўртага қўяр экан, партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, Давлат агросаноат комитети, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар, жойлардаги хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг куч-ғайратларини вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан янада тўлароқ фойдаланишга, илмий ишланмаларни чуқурлаштиришга ва уларни жорий этишга, озиқ-овқат тармоқларини ва савдо соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этишни зарур, деб ҳисоблайди. Озиқ-овқат таъминотини анча яхшилаш жуда катта социал-сиёсий масала, деб қаралсин.

Шу мақсадда:

— Деҳқончиликда пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, ҳар бир колхоз ва совхоз учун деҳқончиликнинг илмий асосланган системаларини ишлаб чиқиш 1990 йилда тугаллансин, интенсив технологияларни кенг жорий этиш таъминлансин. Ҳосилдорликни ошириш ҳисобига шу беш йиллик охирига бориб, ялпи дон йиғиштириб олиш 2 миллион тоннага, 1995 йилда эса 2,3 миллион тоннага етказилсин.

Мева-сабзавот тармоғини ривожлантиришга муносабат тубдан ўзгартирилсин, товар маҳсулот ишлаб чиқариш асосан ихтисослаштирилган хўжаликларда марказлаштирилсин. Талаб этилаётган даражада хилма-хил ва шартнома мажбуриятларига мувофиқ, мева ва сабзавот етиштиришдан деҳқонларнинг манфаатдорлигини оширишни таъминловчи иқтисодий механизм ишлаб чиқилсин. Аҳолини йил бўйи сабзавот билан таъминлаш учун теплица хўжалигининг самарадорлиги оширилсин ва уларнинг ҳосилдорлиги 1990 йилда ҳар бир квадрат метрдан 20 килограммга ва 1995 йилда 25 килограммга етказилсин. Картошкакорликда уруғчиликни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва марказлаштиришга, пленка остидаги картошка майдонларини кенгайтиришга эътибор кучайтирилсин;

— Чорвачиликда сермаҳсул сигирлар етиштиришни кўпайтириш, 1990 йилда подадаги сигирларнинг ялпи салмоғини 35 процентга, ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни камида 3 минг килограммга, қорамолларнинг гўштга топшириладиган ўртача вазнини 450 килограммга етказиш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблансин. Қўйчиликни интенсивлаш тадбирлари амалга оширилсин, ҳар бир хўжаликда оғилхонада боқиладиган қўйчилик фермаси бўлсин, чўчқачилик комплексларини саноат асосига ўтказиш тугаллансин, янги паррандачилик фабрикалари қуриш ва мавжуд фабрикаларни реконструкциялаш жадаллаштирилсин. Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш юзасидан шошилинч чоралар кўрилсин, 1995 йилда озуқа экинлари майдони 1,5 миллион гектарга етказилсин. Яйловларни реконструкциялаш ва уларга сув чиқариш ишларининг суръатлари оширилсин;

— Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини, гражданларнинг шахсий хўжаликларини, боғдорчилик-полизчилик ширкатларини озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришнинг катта резерви сифатида ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашилсин. Ер, уруғлик, бузоқлар ва зарур инвентарлар ажратиш билан боғлиқ масалалар ўз вақтида ҳал этилсин. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Давлат агросаноат комитети ана шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар ва ишлаб чиқилган тадбирлар амалга оширилиши устидан контролни кучайтирсинлар.

4. Пленум республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотини сақлашнинг ривожланган базасини ва уни қайта ишлайдиган қувватларни вужудга келтириш ғоят муҳимлигини таъкидлайди. Дала ва фермаларда етиштирилган маҳсулотлар энг яхши ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилсин. Республика Министрлар Совети, Қурилиш давлат комитети ва Давлат агросаноат комитети йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплаш, маблағ ва ресурсларни биринчи галда кондитер, ёғ-мой, гўштни қайта ишлайдиган, консерва, новвойхона ва бошқа тармоқларда омборлар қуришга, қувватларни ривожлантиришга сарфлаш юзасидан узил-кесил чора-тадбирлар кўрсинлар. Ана шу тармоқларни қайта жиҳозлашга оид ишларга республиканинг барча машинасозлик заводлари ва ремонт корхоналари жалб этилсин.

Маҳсулотни қайта ишлаш базаларини хом ашё етиштириладиган жойларга яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилсин, корхоналар ва кам қувватли кўчма цехлар ташкил этилсин. Ҳамма жойда хом ашёни ҳар томонлама қайта ишлаш ва чиқитсиз технология йўлга қўйилсин.

Давлат агросаноат комитети яқин вақт ичида қайта ишлайдиган тармоқларни ресурсларнинг барча турлари билан таъминлаш программасини ишлаб чиқсин. Шу беш йилликнинг охирига бориб, ресурсларни мамлакатнинг бошқа регионларидан келтириш энг кам даражада бўлишига эришилсин. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашга ва унинг турларини кўпайтиришга жиддий эътибор берилсин. Ёғи кам ва ёғсиз сут маҳсулотларини, овқатбоп консерваларни, болалар овқатини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шарбатлар, чанқовбосди ичимликлар ва музқаймоқ турлари оширилсин. Бозор фондлари ҳажмидан қадоқланган ҳолда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 50 процентга, сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 80 процентга, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 40 процентга етказишга оид вазифани яқин икки-уч йил ичида рўёбга чиқаришнинг қўшимча имкониятлари излаб топилсин. Озуқабоп маҳсулотлар учун идишларнинг сифат жиҳатидан янги турларини кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин.

5. Пленум озиқ-овқат таъминотининг аҳволидан жиддий ташвишланиб, бу муҳим социал-сиёсий вазифани ҳал этишда аҳолига савдо хизмати кўрсатиш соҳасида банд бўлган коммунистлар, барча ходимларнинг роли ва масъулиятини кескин ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Навбатда туришлар, харидор ҳақидан уриб қолиш ва уни алдаш, сунъий тақчиллиқни вужудга келтириш ҳоллари ва бошқа салбий ҳолатлар тугатилиши учун қатъий кураш олиб борилсин, савдо соҳаси ноинсоф ва нопок шахслардан тозалансин.

Республика Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, Давлат агросаноат комитети область ижроия комитетлари билан биргаликда савдонинг моддий-техника базасини ривожлантиришни ва уни шу беш йилликнинг ўзида нормативлар даражасига етказишни таъминласинлар. Барча аҳоли пунктларида мева-сабзавот маҳсулотини харид қилиб оладиган доимий ишловчи ва мавсумий кўчма пунктлар, саноат моллари ни ва шахсий хўжаликни юритиш учун барча зарур нарсаларни сотадиган магазинларнинг кенг тармоғи ташкил этилсин. Икки-уч сменали режимда ишлайдиган савдо ва умумий овқатланиш корхоналари кўпайтирилсин.

Аҳолига қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотадиган ярмаркалар ўтказиш практикаси кенгайтирилсин, фирмали магазинлар тармоғи кўпайтирилсин. Балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан савдо қилишга алоҳида эътибор берилсин, балиқ аквариумлари қайта тикланган ва қўшимча ташкил этилсин.

6. Марказий Комитет пленуми КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг туб иқтисодий ислоҳот ўтказиш йўли билан колхоз ва совхозларнинг имкониятларини бутун чоралар билан очиб бериш орқали озиқ-овқат таъминотини энг қисқа вақт ичида яхшилаш мумкинлиги тўғрисидаги йўл-йўриқларини назарда тутиб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришнинг пудрат ҳамда ижара формаларини жорий этиш, мавжуд хўжаликлар доирасида, шунингдек бошқа корхоналар ва экономика тармоқлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда кооперативлар кенг тармоғини вужудга келтиришга қаратилган йўлни қатъият билан ўтказиш вазифасини юклайди ҳамда республика Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари, агросаноат комитетлари ва бирлашмаларига шуни тавсия этади.

Хўжаликни юритишнинг янги формалари пировард натижалар учун моддий рағбатлантириш билан биргаликда озиқ-овқат ҳажмини кескин кўпайтиришнинг негизи бўлиб қолишига эришилсин. Қишлоқ меҳнаткашларида, ўз меҳнати билан озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш истагини билдираётган барча кишиларда ташаббускорликни ва соҳиблик туйғусини ривожлантириш учун зарур шарт-шароит яратилсин.

Агросаноат комплексини бошқаришни демократиялаш, агросаноат комбинатлари, фирмалари ва бошқа хил тузилмалар ташкил этиш тадбирлари қатъият билан амалга оширилсин. Корхоналар ва ташкилотларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш ишлари авж олдирилсин. Қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуришга, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг меҳнат ҳамда турмуш шароитини яхшилашга эътибор кучайтирилсин ва бу нарса ҳозирги замон аграр сиёсатининг туб масаласи деб ҳисоблансин.

7. Пленум Марказий Комитет Бюросига, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига ўзларининг бутун фаолиятини аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўртага қўйган вазифаларни ташкилий ва сиёсий жиҳатдан таъминлашга қаратишни топширади. Қайта қуриш, туб иқтисодий ислоҳот ва ижтимоий турмушни демократиялаш жараёнлари жадаллаштирилсин. Иш услуби ва методларини такомиллаштира бориб, раҳбарликнинг сиёсий усуллари қатъият билан эгаллансин, экономикани янада юксалтиришда, социал ва маънавий соҳани ривожлантиришда коммунистларнинг ташаббускорлиги ва уюшқоқлигини оширишга эришилсин. Демократия ва ошкоралиқни кенгайтириш асосида барча бўғинлар ташаббускор, янгича фикрлайдиган ва қайта қуриш ишига содиқ кадрлар билан меҳнат коллективларининг фикрини ҳисобга олиб, мустаҳкамлансин.

Партия ташкилотларида бўладиган ҳисобот-сайловлар партия XXVII съезди қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлигини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этишга қаратилсин, коммунистларнинг куч-ғайратлари озиқ-овқат муаммосини ҳал этишга оид амалий ишларга сафарбар этилсин, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш барча партия, жамоат ташкилотлари, ҳар бир меҳнат коллективи ишининг негизи бўлиб қолишига эришилсин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 1 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида РСФСР Ноқоратупроқ зонасининг қишлоқ районларини газлаштириш юзасидан ҳукумат ишлаб чиққан давлат программасини муҳокама қилди. Программада региондаги қишлоқ аҳолисининг, коммунал-маиший муассасаларнинг, колхоз ва совхозларнинг, шунингдек қайта ишлаш корхоналари ва чорвачилик фермаларининг табиий газга бўлган эҳтиёжларини 1995 йилгача асосан қондириш кўзда тутилади. Шу йиллар мобайнида газлаштириш ҳажмлари бир неча ҳисса ортади.

Бу вазифани ҳал этиш учун анчагина молиявий ва моддий ресурсларни жалб этиш, шу мақсад учун Ямал-Ноқоратупроқ магистрал газ қувурини, кенг тармоқли газ тақсимлаш шохобчасини, газ тўлдиргич станцияларни, рўзғор газ аппаратлари ремонтига хизмат қиладиган базани қуриш режалаштирилмоқда. Газ шохобчаларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш билан шуғулланувчи ташкилот ҳамда кооперативларни тузиш, газ таъминоти объектлари қурилишига комсомолни, барча иттифоқдош республикалардан студентлар отрядларини жалб қилиш зарур деб топилди.

Белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши катта сиёсий ва социал иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги муҳокама чоғида таъкидлаб ўтилди. Бу эса Ноқоратупроқ зонасидаги қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имконини беради.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Советининг Орол денгизи атрофидаги экология вазиятини тубдан яхшилаш юзасидан мамлакатнинг етакчи олимлари ва мутахассисларидан иборат комиссия тавсиялари асосида ишлаб чиқилган тадбирларни муҳокама қилди. Орол атрофи районларида издан чиққан экология мувозанатини қайта тиклаш, Орол денгизини сақлаб қолиш юзасидан қатъий ҳаракатларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди. Бунда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деҳқончиликнинг сувни тежайдиган илғор системаларини практикага жорий қилишнинг биринчи даражали аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

1988—2000 йилларда суғориш ва коллектор-зовур системаларини реконструкция қилиш юзасидан кенг миқёсли ишларни бажариш кўзда тутилди. Суғориладиган ерларнинг катта-катта массивларини ўзлаштириш тўхтатиб турилади. Амударё, Сирдарё дельталарига ва Орол денгизига дарё сувларининг мунтазам оқиб келишини таъминлаш учун суғориш мақсадларига ва хўжалик эҳтиёжларига сувдан фойдаланиш лимитларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Орол денгизи атрофидаги санитария ва эпидемиология вазиятини соғломлаштириш жуда катта сиёсий ва социал аҳамиятга молик вазифа эканлиги қайд этилди. Жуда қисқа муддатларда аҳолига медицина хизмати сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш муассасалари,сув таъминоти объектлари қуриш, посёлкалар, район марказлари, шаҳарларнинг санитария ҳолатини яхшилашга эришиш зарур.

Мажлисда М. С. Горбачевнинг 1988 йил июлида Польша Халқ Республикасига қилган расмий дўстлик визити чоғида ўртага ташланган таклифларни амалга оширишга оид тадбирлар плани маъқулланди. Планда поляклар диёридаги кўпдан-кўп учрашув ва суҳбатлар вақтида айтилган истак ва мулоҳазалар ҳам эътиборга олинган. Иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ҳамкорликни оширишга, фан ва маданият соҳасидаги, ёшлар ташкилотлари йўли билан бўладиган алоқаларни кенгайтиришга, иккала мамлакат гражданларининг ўзаро сафарларини активлаштиришга оид тадбирлар конкретлаштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Коммунистик партия ички ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалаларини ҳам муҳокама қилди.

«Ҳосил—88»

ТЕРИМ СУРЪАТИ КУЧАЙМОҚДА

1988 йил пахта ҳосилини тайёрлашда пешқадамлар пайдо бўлиб қолди. Булар андижонлик деҳқонлар бўлиб, улар беш ярим минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрладилар. Жанубдаги Қашқадарё ва Сурхондарё областларида йиғим-терим суръатлари тобора кучаймоқда.

Республика шимолий областларининг хўжаликлари йиғим-теримга одатдагидан анча барвақт киришдилар. Қорақалпоғистонда ҳозирча дастлабки бир неча ўн тонна пахта терилган бўлса, хоразмлик пахтакорлар ҳозирдаёқ анча катта рақамлар билан ҳисоб-китоб юритишмоқда. Улар кузнинг дастлабки куни 1344 тонна пахта териб, андижонликлар билан жиддий рақобат қилдилар. Республикада эса биринчи сентябргача жами 9617 тонна, яъни планнинг 0,18 проценти миқдорида ҳосил тайёрланди.

Ҳосилни қўлда йиғиб-териб олиш билан бир вақтда ғўза баргини тўктириш ишлари ҳам авж олдирилмоқда. Шу кампаниянинг аввал бошиданоқ қашқадарёликлар техникадан кўплаб фойдаланмоқдалар: улар ердаги пуркагичлар ва қишлоқ хўжалик авиацияси самолётларининг кўмагида 3900 гектар ерга ишлов бердилар. Сурхондарёликлар элликтадан зиёд ОВХ агрегатини далаларга олиб чиқдилар — 900 гектар майдон машина терими учун ишловдан чиқариб қўйилди. Андижон хўжаликлари ҳам дефолиация қилишдилар. Республикада эса жами салкам беш минг гектар майдонда дефолиация ўтказилди.

— Бу йилги мавсумда майдонларнинг 75 процентида дефолиация ишларини ўтказиш керак бўлади, — деди Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ва каноп етиштириш бошқармасининг бошлиғи Р. Назаров. — Пахтакорлар барларни сунъий равишда тўктириш учун магний хлоратини қўлланишда етарлича тажриба орттиришган, шу боисдан бу иш бултургига қараганда тезроқ ва сифатлироқ бажарилади, деб умид қиламиз. Бунинг устига ғўза баргини тўктириш пахтанинг етилишини тезлаштиришга ёрдам беради, об-ҳаво шароитининг қулайлиги ва суғориш ишлари яхши ўтказилганлиги туфайли ғўза эрта ҳосилга кирди. Ана шуларнинг ҳаммаси пахта ҳосилининг катта қисмини ёғин-сочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш, бинобарин, сифатли тола ҳосил қилиш имконини беради. Мана шу имкониятдан иложи борича кўпроқ фойдаланиш керак.

(ЎзТАГ).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун— мавсум бошидан буён

Хоразм	1,53
Андижон	1,37
Сурхондарё	0,26
ҚҚАССР	0,01
Республика бўйича:	0,26
Шу жумладан ингичка толали пахта:	
Сурхондарё	0,34
Республика бўйича:	0,22

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Республикамиз областларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида 2 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	2,2	4,4
Сурхондарё	0,3	1,2
Жиззах	0,3	1,0
Андижон	0,07	0,1
Республика бўйича:	0,3	0,7

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАЪМУРИЙ-ТЕРРИТОРИАЛ БЎЛИНИШИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини бошқаришнинг бош схемасига мувофиқ ҳамда республика маъмурий-территориал бўлинишини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумининг:

Қорақалпоғистон АССРнинг Бўзатов районини тугатиб, Еркиндарё ва Казанкеткен овули территориясини Кегайли райони составига, Аспантай овули территориясини Мўйноқ райони составига ҳамда Кўксув овули территориясини Чимбой райони составига ўтказиш тўғрисидаги;

Қорақалпоғистон АССРнинг Нукус райони территориясини халқ депутатлари Нукус шаҳар Советига маъмурий жиҳатдан бўйсундириш ва Нукус районининг маъмурий марказини Оқмангит шаҳар посёлкасидан Нукус шаҳрига кўчириш ҳақидаги фармонлари тасдиқлансин.

2. Халқ депутатлари Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм область Советларининг ижроия комитетлари республиканинг маъмурий-территориал бўлинишига ўзгартишлар киритиш ҳақида берган илтимосномаларига мувофиқ:

Андижон областининг Бўз райони тугатилиб, унинг территорияси Комсомолобод райони составига ўтказилсин. Комсомолобод районининг маъмурий маркази Оқ олтин аҳоли пунктидан Бўз шаҳар посёлкасига кўчирилсин;

Бухоро областининг Олот райони тугатилиб, унинг территорияси Қоракўл райони составига ўтказилсин;

Бухоро областининг Пешқу райони тугатилиб, унинг территорияси Ромитан райони составига ўтказилсин;

Жиззах областининг Зарбдор райони тугатилиб, унинг территорияси Зомин райони составига ўтказилсин;

Қашқадарё областининг Баҳористон райони тугатилиб, унинг территорияси Усмон Юсупов райони составига ўтказилсин;

Навоий областининг Навбаҳор райони тугатилиб, унинг территорияси Навоий райони составига ўтказилсин;

Наманган областининг Норин райони тугатилиб, унинг территорияси Учқўрғон райони составига ўтказилсин;

Наманган областининг Чортоқ райони тугатилиб, унинг территорияси Янгиқўрғон райони составига ўтказилсин. Янгиқўрғон районининг маъмурий маркази Янгиқўрғон шаҳар посёлкасидан Чортоқ шаҳрига кўчирилсин;

Самарқанд областининг Большевик райони тугатилиб, унинг территорияси Пастдарғом райони составига ўтказилсин;

Самарқанд областининг Қўшработ райони тугатилиб, Оқтепа, Охунбобоев номли, Зармитан, Қўшработ қишлоқларининг территорияси ҳамда Кўрли қишлоғининг «Коммунизм» совхози ердан фойдаланадиган чегаралардаги территорияси Иштихон райони составига, Қўлтусун қишлоғи территориясини ва Кўрли қишлоғининг «Партия XXV съезди» совхози ердан фойдаланадиган чегаралардаги территориясининг бир қисми Пайариқ райони составига, Жўш қишлоғининг территорияси эса Нурота райони составига ўтказилсин;

Сирдарё областининг Комсомол ва Меҳнатобод районлари тугатилиб, уларнинг территориясида маъмурий маркази Наврўз аҳоли пунктида жойлашадиган Янгиер райони ташкил қилинсин;

Фарғона областининг Ёзёвон райони тугатилиб, унинг территорияси Охунбобоев райони составига ўтказилсин;

Хоразм областининг Янгибозор райони тугатилиб, унинг территорияси Урганч райони составига ўтказилсин.

Қуйидаги территориялар маъмурий жиҳатдан халқ депутатлари шаҳар Советларига бўйсундирилсин:

Андижон областининг Ленин райони территорияси — халқ депутатлари Ленинск шаҳар Советига;

Жиззах областининг Жиззах райони территорияси — халқ депутатлари Жиззах шаҳар Советига. Жиззах районининг маъмурий маркази Учтепа аҳоли пунктидан Жиззах шаҳрига кўчирилсин.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки, маъмурий жиҳатдан халқ депутатлари шаҳар Советларига бўйсундирилган территорияда жойлашган сайлов округларидан сайланган район Советларининг, шунингдек тугатилган район Советларининг депутатлари халқ депутатлари тегишли шаҳар ва район Советларининг депутатларидир.

4. Фарғона областининг Қува шаҳри район бўйсунувидаги шаҳарлар категориясига ўтказилсин.

5. Халқ депутатлари Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм область Советларининг ижроия комитетлари областларнинг маъмурий территориал бўлинишидаги ўзгартишлар билан боғлиқ зарур ташкилий тадбирларни амалга оширсинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
П. ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси
Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри.
1988 йил 2 сентябрь.

Москвага бора туриб

Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг раиси Во Ти Конг 2 сентябрь куни Ханойдан Москвага бора туриб, Тошкентда қисқа муддат тўхтади.

Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Ҳабибуллаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Ўзбекистон жамоатчилиги Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик эълон қилинган кунни нишонлади.

Бу санани Совет — Вьетнам дўстлиги жамияти Фарғона область бўлимининг аъзолари кенг нишонладилар. Областдаги саноат корхоналарида, колхозлар ва совхозларда йиғилишлар, интернационал дўстлик кечалари бўлиб ўтди, Вьетнамнинг ҳозирги кунлари ҳақида ҳикоя қилувчи фотокўргазмалар очилди.

Тошкентда таълим олаётган вьетнамлик студентлар 2 сентябрда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятига таклиф қилиндилар. Бу ерда дўстона суҳбат бўлди, артистлар маҳоратларини намойиш этдилар, Вьетнамлик студентлар ўз ҳаваскорлик санъатларини кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ФАРҒОНА. Тошлоқ районидаги «Ленинград» колхозида экин майдонлари бригадалар ва звеноларга пудрат асосида бўлиб берилган.

15-бригаданинг маккажўхоричилик звеносига тажрибали деҳқон Алим Солиев бошчилик қилади. У бу йил ўз оила аъзолари билан 12 гектар ерга маккажўхори экканди. Ёз бўйи экин майдонларига 2 марта шарбат суви берилди, 3 марта сифатли культивация қилинди. Ўсимлик ноялари попук чиқариши билан ҳар ҳафта мунтазам суғориб турилди.

Фидокорона меҳнат зое кетмади. Звено колхозда биринчи бўлиб ҳосил ўрим-йиғимига киришди. Ҳар гектар ердан 45 центнер ўрнига 60 центнердан «каҳрабо дон» олинди. Районда энг юқори кўрсаткичга эришган коллектив ҳосили ўриб олинган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, силос учун яна «дала малика»си экиб қўйди.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

* * *

Китоб районидаги Қуйбишев номли колхознинг ноз-неъмат бунёдкорлари давлатга пландаги 2350 тонна ўрнига 2400 тонна сабзавот маҳсулотлари топшириб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. Бу — ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 815 тонна кўп.

Эришилган ютуққа Бойаҳмат Эшев, Раҳмон Қурбонов, Азим Аҳмедов бошлиқ бригадаларнинг сабзавоткорлари муносиб улуш қўшдилар. Мазкур бригадаларда ҳар гектар ердан 280—300 центнердан ҳосил олинди.

Колхоз сабзавоткорлари далалардаги ҳосил чўғини чамалаб кўриб, давлатга яна 600 тонна помидор топширишга, ялпи ҳосилни 3000 тоннага етказишга бел боғлашди. Шу кунларда қўшимча мажбурият ҳисобига давлатга помидор топшириш давом этмоқда.

Ҳ. РАҲМОНОВ.

* * *

Шофиркон ўрмон хўжалигининг Пешқу бўлими боғбонлари бу йил эл дастурхонига пландаги 170 тонна ўрнига 200 тонна мева ва узум маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқдалар. Ҳозирга қадар 150 тоннадан зиёд ширин-шакар маҳсулот тайёрланди.

Ҳосил йиғим-теримида Иззат Авезов, Ҳусан Паноев, Уроз Қозоқбоев, Фатулла Ҳидоятовлар фидокорлик кўрсатмоқдалар. 55 гектар майдондаги супурги ҳосили ҳам баракали бўлди. Ўрмончилар 1,5 минг куб метр ўрнига 2 минг куб метр супурги тайёрлаш учун мусобақани авж олдирмоқдалар.

Алибек Иззатулин 3 гектар ердаги кунжутни сифатли парвариш қиляпти. Хўжаликдаги 860 бош қоракўл қўйлар қишлови учун 120 тонна беда пичани, 60 тонна дағал хашак жамғариб қўйилди.

С. ҚОДИРОВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

• Эрон—Ироқ:

БАРҚАРОР ТИНЧЛИК САРИ

Женевадаги Миллатлар саройида БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр хомийлигида бевосита Эрон — Ироқ музокаралари давом этмоқда. Маълумки, бу музокаралар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 598-резолюцияси асосида Эрон билан Ироқ ўртасида саккиз йилдан бери давом этиб келаётган ҳарбий можарони сиёсий йўл билан ҳал этиши ҳамда «регионда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш» мақсадида бу можарони «кенг кўламда, адолатли ва ўзаро ҳурмат» билан бартараф этиш тадбирларини келишиб олиши керак.

Иккала мамлакат ташқи ишлар министрлари билан навбатдаги учрашув якшанба куни якунланганидан кейин музокараларга баҳо бериб, Х. Перес де Куэльяр қуйидагиларни таъкидлади: «Бу анча мушкул ва осон бўлмаган музокаралардир, ҳозирнинг ўзидаёқ кўпгина муаммолар пайдо бўлди. Аммо мен реалистман. Шу боисдан ҳам музокараларнинг муваффақиятли якунланишидан умидворман». Ҳозирги босқичда биз БМТ Хавфсизлик Кенгаши 598-резолюциясининг биринчи бандига тааллуқли масалаларни ҳал этиш ҳаракатидамиз, деди сўнгра БМТ Бош секретари.

Ўтган йилнинг июль ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши маъқуллаган 10 банддан иборат план (598-резолюция)га кўра, жумладан, ўт очишни тўхтатиш ва қўшинларни халқаро миқёсда эътироф этилган чегараларга кўчириш, регионга ушбу планнинг ижросини текшириш учун БМТ кузатувчилари группасини юбориш, ҳарбий асирларни алмаштириш назарда тутилган. Шу планга мувофиқ, Эрон—Ироқ можаросини бошлаганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги масалани холисона ўрганиш имконияти назарда тутилади, ушбу режа етказилган зиённи тиклаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади. Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси маълумотларига кўра, иккала томон бир миллиондан кўпроқ одамдан маҳрум бўлган, 1,7 миллион киши ярадор бўлган, қочоқлар сони 1,5 миллион кишига етган. Асирлар 50 минг кишидан зиёддир, шулардан 40 мингги Эронда, 15 мингги Ироқдадир.

БМТнинг бош ҳарбий кузатувчиси, Югославия генерали Славко Йович Бағдодда баёнот бериб, Эрон ва Ироқ 20 август кунидан бошлаб амал қилаётган ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя қилишаётганини айтди. Умуман Эрон—Ироқ фронтининг бутун чизиғи бўйлаб вазият осойишта бўлиб турибди. Юзага келаётган муаммолар томонларнинг ҳамкорлиги ва мадади билан ҳал этилмоқда, деб таъкидлади генерал.

Ҳозирча Женевадаги бевосита Эрон—Ироқ музокараларида сезиларли силжишга эришилаётгани йўқ. Бу ўринда биз БМТ Бош секретарининг Эрон ва Ироқ делегацияларига қарата даъватига қўшилишимиз лозим бўлади. Перес де Куэльяр тезроқ илгарилаб бориш, ўз регионидагина эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб, ўзаро ишончсизлик вазиятига барҳам беришга ҳаракат қилишга чақирган эди.

Т. ШАКИРОВ (ТАСС).

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛ

ВАРШАВА. Ҳозир меҳнаткашлар билан бевосита суҳбатлар чоғида, улар мамлакат учун, ПБИПнинг яқинда бўлиб ўтган, партия учун ниҳоятда муҳим бўлган Пленуми якунларини қандай баҳолашаётганини, ишчиларга меҳнат қилиш ва яшаш учун нималар халал бераётганини билиш жуда муҳимдир, деди ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Давлат Кенгашининг Раиси Войцех Ярузельский.

У Варшавадаги енгил автомобиль заводи активлари билан учрашувда нутқ сўзлади. Польша раҳбари цехларга кириб, ишчилар билан суҳбатлашди. Ҳозир Польша бурилиш палласини бошидан кечирмоқда, деб таъкидлади у. Социализм — буюк ғоядир. Бу ғояни амалга ошириш хомхаёл, афсонавий тасаввурларга қарамақарши ўлароқ, узоқ жараён натижасидагина рўёбга чиқиши мумкин. Мураккаб тарихий тажрибага эга бўлган Польша ана шу мақсадга узунроқ ва мушкулроқ йўлдан бормоқда. Энг муҳими — ана шу йўлдан бораверишдир ва ҳамиша олий мақсад инсон фаровонлиги эканлигини ёдда тутишдир, деб таъкидлади Ярузельский.

Ишчиларнинг ҳозирги ғайриқонуний забастовкалар оқибатида кўрилган зарар тўғрисидаги саволларига жавоб бериб, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари ушбу зарарни аниқ ҳисоблаб чиқиш мумкин, бунинг устига иш ташлашнинг айрим иқтисодий оқибатларини тўлдириб бўлмайди, деб таъкидлади, аммо мамлакат обрў-эътиборига етказилган путур энг жиддий зарардир, деб уқтирди В. Ярузельский.

(ТАСС).

Хатарли дори-дармонлар

МАНИЛА. Филиппин маъмурларининг тақиқлаб қўйишига қарамай, мамлакатлараро фармацевтика корпорацияларининг бу ерда ишлаётган филиаллари ички бозорни бошқа мамлакатларда аллақачон тақиқлаб қўйилган дори-дармонлар билан тўлдиришни давом эттирмоқда.

Соғлиқни сақлаш министрлиги инсон организмига жиддий путур етказиши мумкин бўлган, қўшимча салбий таъсир ўтказадиган 243 хил дори-дармоннинг рўйхатини эълон қилди.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ

БУДАПЕШТ. Будапештда ўз ишини тугатган қуролсизланиш масалалари юзасидан халқаро давра суҳбати қатнашчилари халқаро вазият ривожланишининг асосий йўналишларини, оддий қурол-яроғларни қисқартириш муаммоларини, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, қурол-яроғларни контрол қилиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўн мамлакат, жумладан, СССР ва АҚШнинг ҳарбий фанлар соҳасидаги мутахассислари, таниқли жамоат арбоблари, олимлари, экспертлари ўз нутқларида ҳам ядро қуроллари, ҳам оддий қуроллар-яроғлар соҳасида қуролсизланишга, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги мулоқотни давом эттиришга қарата куч-ғайрат сарфлайверишни маъқуллаб гапирдилар. Улар Совет — Америка муносабатлари ривожланишидаги қулай ўзгаришларни юқори баҳоладилар, бўлажак қуролсизланиш жараёни нўқтаи назаридан қараганда ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши муҳим эканлигини таъкидладилар.

(ТАСС).

• Луқма

ЛЎТТИБОЗЛИК

Сентябрда Чилида ҳарбий тўнтариш юз берганига 15 йил бўлади. Шу йиллар мобайнида чилиликлар бошига беҳисоб азоб-уқубат ва кулфат тушди. Мамлакатда жабр-зулм ва террор ҳукм сураётганига қарамай чилиликларнинг иродаси букилмади. Улар эрк йўлидаги матонатли курашини давом эттиришмоқда.

Ҳарбий режим бошлиғи Пиночетнинг замини тобора нурамоқда. Бундан талвасага тушаётган диктатор ҳийла-найранг ишлатмоқда. Мамлакатда фавқулодда чоралар хўжакўрсинга бекор қилинганлиги бунга яна бир мисолдир. Сешанба куни эса пиночетча «демократия» намунаси кўз-кўз қилинди. Ҳарбий хунтанинг махсус мажлисида мамлакат президентлиги лавозимига ягона номзод қилиб... Пиночетнинг ўзи кўрсатилди. Айни чоғда мамлакат ҳарбий зоналарга бўлинди, уларга ҳарбий бошлиқлар тайинланди. Бу бошлиқлар зиммасига «тартибни сақлаб туриш» юклатилди. Изоҳга ҳожат йўқ. Ҳарбий режимнинг навбатдаги лўттиблиги ҳам уни сақлаб қололмаслиги равшан. Чилиликлар кураши давом этмоқда. Ғалаба эса ватанпарварлар томонидадир.

А. РЎЗИЕВ.

Суратда: чилиликларнинг ҳарбий хунтага қарши норозилик намойиши.

(ТАСС фотохроникаси).

ЭНГ МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ

МЕХИКО. Мексика жарроҳлари группаси миллий медицина тарихида биринчи марта жигарни қайта ўтказиш юзасидан муваффақиятли операцияни амалга оширди, бу эса медицина практикасида энг мураккаб операция ҳисобланади.

Овқатланиш проблемалари миллий институтининг етакчи мутахассиси Федерико Чавеснинг журналистларга айтишига қараганда, жигар ўтқазилган 43 яшар бемор ўзини яхши ҳис этмоқда ва яқин орада одатдаги ишига қайта олади. Бу йил яна бир неча ана шундай операция ўтказиш кўзда тутилган, деди Чавес.

(ТАСС).

• Партия турмуши:

СЕКРЕТАРЬ СОАТИ

Янги рубрика. Республиканинг партия группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етмоқда, тез орада бошланғич, район ва шаҳар ташкилотларида шундай йиғилишлар бошланади. Партия турмушидаги мана шу муҳим воқеалар арафасида ЎзТАГ мухбирлари баъзи район ва шаҳар партия ташкилотларининг раҳбарларига мурожаат этиб, коммунистларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги энг асосий муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини илтимос қилдилар. ХIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан кейин нималар қилишга муваффақ бўлинди, нималар режалаштирилмоқда, мамлакат коммунистлари анжуманининг ғоялари амалда қандай рўёбга чиқмоқда — журналистлар билан партия ходимлари суҳбатларининг асосий йўналиши мана шундан иборат бўлиб, бу суҳбатлар «Секретарь соати» рубрикаси остида эълон қилиб борилади.

* * *

— Мен янгича фикрлаш ва ҳаракатлар қилиш тарафдориман, дейди Навоий район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Холиқов.

Бизнинг справка. М. С. Холиқов хўжалик ходими, совет ва партия ходими сифатида бой тажрибага эга. Қирқ биринчи йилда туғилган. Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтини тамомлаган. Қозоғистонда темир йўллар қурган. Сўнгра Ўзбекистонда кўчма механизациялаштирилган колонна ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғидан қишлоқ қурилиши министрининг ўринбосаригача йўлни босиб ўтди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини сиртдан тамомлади. 1985 йилда райком секретари этиб сайланди.

— Мўмин Саъдуллаевич, гапни ҳозир район турмушида таркиб топаётган вазниятдан бошласак. Коммунистлар нима устида ишламоқдалар, қандай йўналишларни ўзлари учун устун деб ҳисобламоқдалар?

— Биз ўз районимизда ҳозир асосий социал программаларни қандай ҳал этишимизни аниқ тасаввур қиляпмиз. Ўй-жой қурилиши сўзсиз биринчи ўринда турибди. Бу қурилишни жадаллаштириш учун кўпгина имкониятлардан фойдаланилмоқда. Керамзит-бетондан яхлит уйсозликни жорий эта бошладик. Уч хўжаликда ғишт цехлари қурдик. Якка тартибдаги қурилишлар учун участкаларни жойлаштириш схемаси пухта ишлаб чиқилди. Аҳолига кредит беришда юзага келган қийинчиликлар ишга халақит бермоқда. Омонат банкининг бунга тайёр эмаслиги равшан бўлиб қолди. Шу мақсадлар учун атиги 200 минг сўм пул ажратилди, ваҳолонки, район аҳолисининг талаби бундан ўн баравар кўпдир.

Чорвачиликда яхшиланиш томонга силжиш бўлмоқда. 1985 йилда районимиздаги ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 1850 килограммдан ошмаган бўлса, эндиликда 2500 килограммлик маррага чиқиб олинди. Аммо бу ҳам чегара эмас. Кооперация йўли билан колбаса, лимонад, музқаймоқ цехлари очилди. Мева ва сабзавотни кўпроқ етиштиряпмиз. «Коммунизм» колхозида теплица комбинатининг биринчи навбати ишга туширилди.

Хуллас, иш юришиб кетди. Аммо бунда ҳам тўғаноқлар пайдо бўлиб қолди. Маҳсулотни сотиш асосий тўғаноқларнинг биридир. Савдо тез айнийдиган сабзавот ва меваларни ўзига дахмаза деб билади. Оддий қилиб айтганда, унинг ходимлари манфаатдор эмас. Боши берк кўчадан чиқишга уриниб кўрдик. Районда агрофирма ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Дала ва фермаларнинг маҳсулотларини етиштириш ҳам, сотиш ҳам ана шу агрофирма қўлида жамланган бўлур эди. Область агросаноат комитетидагилар бизни қўллаб-қувватлашди. Лекин ҳозир шу таклифимиз республика Давлат агросаноат комитетида тўхтаб қолди. Кези келганда шуни айтиш керакки, бу — жойлардаги қабул қилинган қарорлардан ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Бунинг устига пудратни ва айниқса ижара пудратини ёйиш ҳамма жойда тушунмаслик ва расмиятчиликка, раҳбарлар билан мутахассисларнинг консерватизмига бориб тақалмоқда. Менимча, республика давлат агросаноат комитети бу ишлардан жуда йироқ бўлиб, унинг инструкциялари ва кўрсатмалари турмушдан орқада қолган. Асосан партия органларининг куч-ғайрати, баъзида эса тазйиқи туфайли иш жойидан қўзғалмоқда.

Энг оддий иқтисодий билимлар етишмаяпти. Фақат тайёр инструкциялар асосида ишлашга кўникиб қолган иқтисодчилар ташаббуссиздирлар. Ҳозирча ҳамма иш дадил кишилар зиммасидадир. Масалан, биз ҳозир «СССР 60 йиллиги» совхозида учта фермерлик хўжалигини очмоқдамиз. Шуларнинг иккитасида пахта, озуқа экинлари етиштирилади ва чорва моллар боқилади, бошқа бирида эса сабзавот ва мева етиштирилади. Ишни бошлаш, ўрнак кўрсатиш муҳим, издошларнинг топилишига эса ишончим комил.

— Ҳозир нарх белгилашни ўзгартириш тўғрисида айниқса қизғин гап-ташаббусни биринчи марта бўғиш эмас.

— Бу гап қишлоқ хўжалигида қайта қуришга айниқса кучли тўсқинлик қилияпти, деган маънони билдиради. Сиз шу гапга қўшиласизми? Бу соҳада яна нималар халақит беряпти?

— Очиғини айтсам, одамлар ҳозирча қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янгича шаклларига ишонқирамяптилар. Ишончсизлик — турғунлик йилларининг оқибатидир. Навбатдаги «доҳий»нинг келиши билан ўзгартириб турилган ва ўйламай-нетмай ишлаб чиқилган қарорлар ҳаммани ҳафсаласи пир бўлиш эмас.

Шахсан менинг фикрим — ишлаб чиқарилаётган товарларнинг барча нархларини сарф-харажатларга мувофиқ ҳолга келтириш, мавжуд дотацияларни тугатиш зарур. Нарх белгилашни ўзгартириш билан боғлиқ масалалар ошкора кўриб чиқилиши, бутун халқ томонидан муҳокама қилиниши керак, албатта.

Эътиборингизни жалб қилмоқчи бўлган асосий нарса — нарх белгилаш, хусусан қишлоқ хўжалигида нарх белгилаш ўзгарувчан ва мослашувчан бўлиши лозим. Пахтага нарх белгилашда ҳамма нарса ҳал этилган эмас, афтидан бунда ҳали жуда кўп муаммолар юзага келса керак. Бу борада пахтага табақалаштирилган ҳарид нархларини белгилаш муҳимдир. Чунки уни етиштираётган деҳқонлар бир хил шароитда эмасликлари маълум. Пахтачилик экономикасига доир бошқа бир қанча масалаларни ҳам яхшироқ билиб олиш керак. Қайта ишлаш саноати сust ривожланганлиги сабабли республикадан талайгина «пахта пули» чиқиб кетмоқда. Менга шундай бир рақам маълум, тўғри, унинг қанчалик аниқлигини билмайман: республикада етиштирилаётган пахтанинг атиги етти процента Ўзбекистон корхоналарида қайта ишланмоқда, яъни газлама ва бошқа буюмларга айлантирилмоқда. Меҳнат ресурсларимиз тўлиб-тошиб ётганлиги боисидан қайта ишлаш саноатини жойларда ривожлантириш, ўзимизнинг пахтамиздан кўпроқ яхши кўйлаклар тикиш керак. Умуман ҳар бир иттифоқдош республиканинг Бутуниттифоқ программаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссасини аниқ белгилаб олиш зарур. Бунда район, область ва республика умуман қанча маҳсулот етиштираётганини, ҳар бир регионнинг мамлакат экономикасига қўшаётган ҳиссаси қандайлигини ва бунинг эвазига у нима ва қанча олаётганини одамлар яхши билишлари зарур.

— Мўмин Саъдуллаевич, районингиз учун ва бутун республика учун баб-баравар муҳим бўлган иқтисодий муаммолар коммунистлар ҳар куни дуч келаётган бирдан-бир муаммо эмас, албатта. Бошқа, айтайлик, миллатлараро муносабатлар каби мураккаб муаммо қандай ҳал қилинмоқда?

— Партия конференциясининг резолюциясида мутлақо ҳаққоний қайд этиб ўтилганидек, кўп миллатли совет давлатини ташкил этишнинг бошланғич босқичига хос бўлган жўшқинлик миллий сиёсатнинг ленинча принципларидан чекиниш, шахсга сиғиниш даврида қонунчиликни бузиш, турғунлик даври идеологияси ва психологияси сабабли анча путурдан кетиб, бой берилди. Қайта қуриш, демократиялаш, ошкоралик бизнинг регионимизда ҳам бундай ҳодисаларни очиб ташлади.

Бизнинг район марказимиз яқинида Навоий шаҳри қад кўтарди. Унинг саноати вужудга келтирилаётган пайтда корхоналарга мамлакатнинг ҳамма томонларидан мутахассислар таклиф қилинди. Маҳаллий кадрларни тайёрлаш эса нима учундир унутиб қўйилди. Область партия комитетининг яқинда ўтказилган пленумида конметаллургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский ҳозир комбинатда туб миллат намоянда ларидан бирон та ҳам йирик раҳбар йўқлигини тан олишга мажбур бўлди. Мана эндигина бундай бузилишлар тузатила бошланмоқда.

Навоийда экологик вазият яхши эмас. Бундан шаҳарликларнинг ўзлари ҳам қийналишмоқда. Аммо пана-пана қуюқ тутун ва қурум теварак-атрофдаги қишлоқ, посёлкаларни ҳам қамраб олмоқда. Мана шу посёлкаларда ҳам ҳаққоний ғазабланиш овозлари янграмоқда. Баъзи бир кимсалар шу асосда можарони авж олдиришга уринишмоқда. «Мана, бизнинг ўлкамизга келиб, энди бизни ўз химиялари билан заҳарлашмоқда» деган гаплар эшитилмоқда.

Биз шундай ижтимоий муҳитни вужудга келтиришимиз керакки, бунда ҳар қандай миллатга мансуб киши ҳамма жойда ўзини уйидагидек ҳис этадиган бўлсин — ҳозир биз бунинг устида жуда кўп ишлаяпмиз.

— Баъзи пайтларда сизда, қайта қуриш йўлидан бора туриб биз баъзи нарсаларда чекиндик, баъзи жойларда орқага қараб кетдик, деган тасаввур вужудга келмаяптими? Сизнингча, бошланган ўзгартишлар жараёни тобора кучайиб, жадаллашиб борши учун нима қилиш керак?

— Биз чекинганимиз йўқ, деб ўйлайман. Қайта қуриш биз истагандан кўра секинроқ боряпти, албатта. Аммо унинг давомида бизнинг сиёсий фикрлашимиз ўзгарди. Биз асосий тормозларни тоғ-ғ-ғ-

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ СИСТЕМАСИДА ИЖАРА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ИЖАРА МУНОСАБАТЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Кейинги пайтда «Сельская жизнь», «Советская Россия», «Труд» газеталарининг редакцияларига, СССР Агросаноат давлат комитетига, бошқа ташкилотлар ва идораларга қишлоқ меҳнаткашлари ижара муносабатларининг принциплари ҳақида батафсилроқ ҳикоя қилиб беришни сўраб, ижара шартларида ишлаш истагини билдириб ёзилаётган хатлар оқими анча кўпайди. Бироқ, бу мактубларнинг муаллифлари маълум қилишларича, уларнинг янгича шароитда ишлашга интилишлари ҳамиша ҳам қўллаб-қувватланмаяпти, баъзан эса жойлардаги хўжаликларнинг айрим раҳбарлари ва мутахассислар ижара муносабатларига киришишни, ер, техника ажратиб беришни, бундай коллективларга меҳнатни ташкил этишда ёрдам кўрсатишни умуман истамаётганликлари сезилиб қолмоқда.

Ижара шартларида ишлашни хоҳловчи одамларнинг ўзлари ҳам кўпинча колхоз, совхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхонаси билан ижара муносабатларини йўлга қўйишни нимадан бошлашни, қандай зарур ишларни қилишни билолмаяптилар.

«Сельская жизнь», «Советская Россия», «Труд» газеталарининг редакциялари олинган хатларни ўз мавзуига кўра тартиблаштириб чиқдилар ҳамда СССР Агросаноат давлат комитети ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясидан газетхонларнинг саволларига жавоб беришни илтимос қилдилар.

Ижара муносабатлари ҳақидаги бу жавоблар яқинда босилган «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ижара муносабатларини йўлга қўйиш юзасидан тавсиялар»ни чуқурроқ тушуниб етишга, баъзи муҳим масалаларни ойдинлаштиришга, мамлакатнинг турли зоналарида ҳозирнинг ўзидаёқ тўпланган тажрибани ҳисобга олган ҳолда амалий жиҳатдан ёритишга ёрдам беради.

Ижара нима?

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида меҳнатни ташкил этишда пудратнинг турлича шакллари: коллектив, оилавий ва якка тартибдаги пудрат кенг тарқалди. Ана шу илғор шаклларни қўлланиш амалиётида пудратнинг қонуний ривожланиши сифатида хўжалик ҳисобидаги ижара муносабатларидан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Ижара иқтисодий муносабатларни ифодалайди, яъни ижарачи маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида муайян миқдорда тўланадиган ҳақ эвазига ер ва бошқа асосий воситаларни узоқ муддатга фойдаланиш учун олади.

Ижара — бу мулкий ёлланиш, шартномадир, унда колхоз, совхоз ёки ердан фойдаланувчи бошқа корхона мисолидаги бир томон иккинчи томонга — ижарачига муайян ҳақ эвазига узоқ муддатли фойдаланиш учун ер ҳамда бошқа хил ишлаб чиқариш воситалари беради. Ижарачи тўла хўжалик мустақиллиги ва мулкий жавобгарлик шароитида ишлар экан, ернинг, бошқа турдаги ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий хўжайини бўлиб қолади, унинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан бирмунча тўлиқроқ уйғунлашиб кетади.

Ижара муносабатлари қандай ҳуқуқий ва иқтисодий асосларда ўрнатилади, нимани ижарага олиш мумкин?

Колхозлар, совхозлар ҳамда агросаноат комплекси бошқа корхоналарининг иш практикасида ижара муносабатларидан фойдаланиш чоғидаги ҳуқуқий ва иқтисодий асослар СССРнинг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида» қонуни, СССРнинг «СССРда кооперация тўғрисида» қонуни ҳамда колхознинг Намунавий ставидан келиб чиқади.

Ижарага қишлоқ хўжалиги ва бошқа хил ер майдонлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, ҳовузлар ва кўллар, ишлатиладиган ва маҳсулот берадиган ҳайвонлар, техника, ускуналар, бинолар, иншоотлар ҳамда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган бошқа асосий воситалар берилиши мумкин. Қоида тариқасида ер ва бошқа хил ишлаб чиқариш воситалари учун ижара ҳақи ер майдонларининг гектарига (уни бериш пайтидаги ҳосилдорлиги ҳисобга олинган ҳолда), битта ҳайвон, ишлаб чиқариш иншооти, техника воситалари бирлигига белгиланган қатъий ставкалар асосида амалга оширилади. У пул, натура ёки ҳар иккисининг аралашган шаклларида белгиланади. Ижара ҳақи бошқача тартибда — хўжалик ижарачиларидан сотиб оладиган маҳсулотга тўлайдиган нарх билан амалда уни реализация қиладиган нарх ўртасидаги фарқ ҳисобидан ундирилиши ҳам мумкин.

Ким ижарачи бўла олади, шартлари қандай?

Бригадалар, фермалар, хўжаликлар ичидаги кооперативлар, звеноларнинг коллективлари, колхозчилар ҳамда совхоз ходимларининг оилалари, шунингдек хўжаликларнинг алоҳида ходимлари ижарачилар бўлишлари мумкин.

Совхоз ходимлари ёки колхозларнинг аъзолари ҳисобланмайдиган гражданлар ёхуд кооперативларга бирлашган гражданларнинг группалари ҳам ижарачилар бўла оладилар. Балоғатга етган гражданлар (мустақил ёки коллектив топшириғига биноан) шартнома тузишлари мумкин.

Маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш гарови ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага беришда энг асосий ҳамда зарурий шарт ҳисобланади.

Ижара учун пудрат шартномаларини тузиш аввалдан эълон қилинган конкурс асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳсулот етиштириш ҳажмининг кўпайишини таъминлаш ҳамда моддий ресурслардан омилкорлик билан, оқилона фойдаланишнинг бир қадар асосланган программаларини, тақдим этган талабгорлар устунликка эга бўладилар.

Ижарачи ва ижарага берувчининг муносабатларини изга солиб турувчи асосий ҳужжат шартномадир. У қай тарзда, қачон ва ким томонидан тузилади?

Амалий муносабатларга киришиш ҳақида принципиал жиҳатдан келишиб олган томонлар дарҳол шартнома шартларини тузиб чиқадилар. Уни ишлаб чиқилаётганда қуйидаги масалалар ҳал этилади:

— ижарага берилаётган ер участкалари ва далалар, бошқа хил асосий ишлаб чиқариш воситаларининг аниқ рўйхати белгилаб олинади;

— маҳсулот ҳажми, уни реализация қилиш муддатлари, нархлари ва тартиби;

— шартномадагидан ортиқча етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш тартиби;

— уруғликлар, ўғитлар, ёш чорва моллари, ем-хашак сотиб олиш, ремонт, транспорт ва бошқа турдаги хизматларга ҳақ тўлаш учун бериладиган қарзларнинг миқдори ва шартлари;

— моддий-техника таъминотини ўюштириш;

— ижара ҳақи ва бошқа тўловларнинг миқдори ҳамда уни ижара берувчига қайтариш муддатлари;

— томонларнинг қабул қилинган ўзаро мажбуриятларни бажармаганлиги ёки чала бажарганлиги учун мулкий жавобгар бўлиш шартлари.

Шартнома шартлари юзасидан барча масалалар ихтиёрий равишда, ўзаро фойдали асосларда ҳал этилади.

Шартномаларни тузишни қишлоқ хўжалик йилининг бошланиши ёки маҳсулот етиштиришнинг технологик цикли билан боғлаш шарт эмас.

Шартнома қай тарзда ва ким томонидан тасдиқланади, қаерда рўйхатга олинади?

Шартномани ижара берувчи томонидан хўжалик раҳбари, ижарачи томонидан эса коллектив раҳбари, борди-ю коллектив унча кўп одамлардан ташкил топмаган бўлса (5 кишигача), унинг ҳамма аъзолари ёки шартнома бўйича ўз зиммасига мажбурият олаётган алоҳида шахслар имзолайдилар. Шартнома қўл қўйилганидан кейин юридик кучга эга бўлади. У қандай бўлмасин бирон-бир инстанцияда тасдиқланиши мумкин эмас.

Ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олиш шартномаси қандай муддатга тузилиши мумкин?

Ерни ижарага олиш шартномаси 50 йилгача муддатга тузилиши мумкин, бошқа хил ишлаб чиқариш воситалари уларнинг амортизация муддатларига қараб тузилади. Бундан шартномани тузиш пайтида ўзаро муносабатларга доир барча масалалар у амал қиладиган бутун давр учун ҳал этилиши зарур, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Аксарият масалаларни, биринчи навбатда реализация қилинадиган маҳсулотнинг ҳажми ва структураси, ижара ҳақи миқдори, нархлар ва ҳоказо масалаларни томонларнинг келишувига мувофиқ беш йиллик муддатга белгилаб олингани мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинса барқарорлик таъминланади ҳамда ўзаро муносабатларнинг шартларини вақти-вақти билан тўлдириб туриш имкони вужудга келади. Бунда янги шартнома тузишга ҳожат қолмайди, балки барча ўзгаришларни унга қўшимча қилинадиган битимда, жумладан ижарага олинган участкаларни меросга қолдириш масаласини ҳам расмийлаштириш мумкин.

Етиштирилган маҳсулотдан фойдаланиш тартиби қандай?

Ижарачилар етиштирган маҳсулотдан биринчи навбатда ижара берувчи олдида қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилади. Шартномада қандай шартлашилганига қараб бу маҳсулот хўжаликка ёки унинг номидан бевосита тайёрлов ташкилотларига реализация қилинади.

Ижарачи томонидан мажбуриятларда кўзда тутилганидан ортиқча етиштирилган маҳсулот ҳажми шартнома нархлари асосида унинг ўз ихтиёрига қараб реализация қилинади.

Нархлар ва хизматлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Ижарачининг колхоз ёки совхоз, бошқа корхоналар билан хўжалик ҳисобидаги муносабатларида реализация қилинадиган маҳсулот ҳамда сотиб олинадиган моддий ресурслар ва кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари муҳим роль ўйнайди. Ижарачининг хўжалик ҳисобидаги даромади, ижара нархи даражаси кўп жиҳатдан шуларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам шартнома тузилаётганда бундай нархларнинг асосланган даражасини белгилашга жиддий эътибор бериш керак.

Қоида тариқасида давлат харид нархларида қатъий ставкалар бўйича ижара ҳақи тўлайдиган пудратчилардан маҳсулот сотиб олинади. Бундай нархлардан фойдаланиш шериклар ўртасида аниқ-равшан муносабатлар бўлишини таъминлайди, уларнинг ўзаро ишончини мустаҳкамлайди.

Хўжаликнинг ички ҳисоб-китоб нархлари асосан ижара ҳақи қатъий ставкалар бўйича амалга оширилмай, балки хўжалик маҳсулот реализация қиладиган нархлар билан уни ижарачидан сотиб оладиган нархлар ўртасидаги фарқ ундириладиган ҳолатлардагина қўлланилади. Бундай нархлар буюртмачи (хўжалик) ва ижарачи томонидан биргаликда ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари шартнома нархлари ҳам қўлланилиши мумкин.

Қайси вариант маъқуллигини томонлар ижара муносабатларини қўлланишнинг конкрет шарт-шароитига қараб танлаб оладилар.

Ижарачилар уруғлик, ем-хашак, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқа хил ресурсларни қандай шартларда сотиб оладилар?

Зарур моддий ресурслар (ўғитлар, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, уруғлик, ем-хашак, хом ашё ва ҳоказолар) ҳамда хўжалик томонидан кўрсатиладиган хизматларга ижарачи план-ҳисобот ёки шартнома нархларида ҳақ тўлайди. Хўжалик сотиб олган моддий ресурсларнинг план-ҳисобот нархлари уларни сотиб олинган баҳолар, ташиш ва сақлашга кетган сарф-харажатлар биргаликда ҳисобланган ҳолда белгиланади. Хўжаликнинг ўзида етиштирилган маҳсулотнинг (уруғлик, ем-хашак, хом ашё ва бошқаларнинг) план-ҳисобот нархлари амалдаги таннарх даражасида белгиланади. Ўз хўжалиги бўлинмалари томонидан ижарачиларга кўрсатиладиган хизматларга ҳақ ҳисоб-китоб таннархи бўйича, чет ташкилотлар бажарадиган ишларга эса давлат тарифлари ёки шартнома баҳолари бўйича тўланади. Бунда шартнома тузиш пайтида белгилаб қўйилган план-ҳисобот, шунингдек шартнома нархларини шартлашилган муддат мобайнида томонлардан бири ўзбошимчалик билан ўзгартириши мумкин эмас.

Ижара ҳақи ва унинг миқдори қандай шаклларда белгиланади?

Томонларнинг келишувига мувофиқ ерга ёлланма тариқасида берилган ишлаб чиқариш воситаларига ижара ҳақи умумий миқдорда ёки ҳар бир тур ва ижарага олинган воситалар бирлиги: бир гектар экинзор, пичанзор, яйлов, ҳовуз, битта бирликда ишлаб чиқариш иншооти, трактор, комбайн, бир бош ҳайвон ва ҳоказолар учун алоҳида белгиланиши мумкин.

Ижара ҳақи ҳам пул шаклида, ҳам натура шаклида амалга оширилади. Масалан, Литва ССР «Альседжяй» колхозида ижара ҳақи бир гектар экинзор учун 150 сўм ва бир гектар ўтлоқ учун 50 сўм миқдорида белгиланган. Туркманистон ССР Мари областининг «1 Май» колхозида бир гектар суғориладиган ер учун 1.400 сўм ундириб олинади. Қўрғонтепа областидаги «Москва» совхозида ижарачи полиз экинлари етиштириш учун олинган лалми ернинг 0,5 гектари ҳисобидан хўжаликка 7,5 тонна тарвуз топширади.

Хўжаликда ҳар гектар ер, ҳовуздан, бир бош мол ва ҳоказолардан олинадиган ҳисоботдаги фойда ижара ҳақи миқдорини белгилашда асосий кўрсаткичдир. Фойда эса маҳсулотни реализация қилишдан келган даромад ҳамда уни етиштиришга кетган норматив харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисоблаб чиқилади.

Маҳсулотни реализация қилишдан келган даромад конкрет хўжаликда қарор топган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини назарда тутган ҳолда ҳисобланади. Юқорида тилга олинган мисолларда айни шундай ёндашувдан фойдаланилган.

Ижара ҳақи ставкаларида ер участкаларининг унумдорлиги ва эгаллаган жойи, чорва молларининг маҳсулдорлик хусусиятлари ҳисобга олинган бўлиши, ижарачилар қишлоқ хўжалик ерларидан, бошқа хил ишлаб чиқариш воситаларидан яхшироқ фойдаланишга рағбатлантирилиши зарур.

Агар ижара ҳақи натура шаклида тўланадиган бўлса, у ҳолда миқдори худди пул шаклидаги каби принцип бўйича белгиланади.

Техника, ускуналар, бинолар, иншоотлар учун ижара ҳақи амортизация ажратмалари даражасида ҳисобланади.

Техника, ишлаб чиқариш иморатлари, ускуналар ва ҳоказолар қиймати баланс ёки қолдиқ қиймати бўйича аниқланади, яъни уларнинг дастлабки қиймати (фойдаланиш даври учун амалдаги амортизация ажратмалари миқдорида камайтирилади.

Ўзаро келишувга мувофиқ ижара ҳақини белгилашнинг бошқа усулларини ҳам қўлланиш мумкин.

Хўжаликнинг отпускаларга тўлашга кетган харажатлари, социал страхование, страхование тўловлари, зиённи қоплаш ва бошқа харажатлари ижара ҳақига киритиладими?

Хўжаликнинг ҳисобдаги фойдасини аниқлашда маҳсулот етиштиришга кетган жамики сарф-харажатлар жамланади, бунга социал страхование, отпускаларга ҳақ тўлаш, страхование тўловлари ва зиённи қоплаш харажатлари ҳам киради. Агар бундай харажатлар шартнома бўйича ижара ҳақига кирмаса, у ҳолда ижарачи ўз маблағи ҳисобидан отпускалар пулини, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалар ва ҳоказолар олиш- ҳуқуқини таъминлаш мақсадида қўшимча ажратмалар чиқаради. Бу бошқача ҳал этилиши ҳам мумкин — ана шу сарф-харажатларнинг ҳаммаси ижара ҳақига киритилади ҳамда хўжалик ижара тўловлари ҳисобидан амалга оширилади.

Шундай мисол келтириш мумкин. Пудратчи совхоздан картошка етиштириш учун ер майдонини ижарага олади. Юқорида баён қилинган ҳисобдаги фойдани аниқлаш тартибига мувофиқ картошка ҳосилдорлиги 150 центнер миқдорида қилиб белгиланади. Мазкур районда 1 центнер картошкага 10 сўм миқдорида давлат харид нархлари белгилангани учун ҳам маҳсулотни реализация қилишдан келган фойда 1500 сўмни ташкил этади. Дастлабки ҳисоб-китобга мувофиқ бир гектарда маҳсулот етиштириш учун 1200 сўм сарфлаш кўзда тутилган, ундан 150 сўми социал страхование, отпускаларга ҳақ тўлаш, зарарни қоплаш харажатлари ва страхование тўловларига, 1050 сўми эса ижарачининг картошка етиштириш ва уни йиғиштириб олишга кетган бевосита харажатлардир.

Ижара ҳақи, агар у харажатларнинг умумий миқдори —1200 сўмдан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўлса, унда 1500—1200=300 сўмга тўғри келади. Бундай ҳолатда ижарачилар хўжаликка ижара ҳақидан ташқари санаб ўтилган харажатларнинг ҳаммасини — дастлабки ҳисоб-китобдаги 150 сўмни ҳам қайтаришлари зарур.

Агар ижарачилар социал страхование харажатлари, отпускаларга ҳақ тўлаш, зиённи қоплаш харажатлари ва страхование тўловлари аввал бошданоқ ижара ҳақига киритилгани ҳамда хўжалик ҳисобидан амалга оширилгани қулай, деб ҳисобласалар, у ҳолда 300+150=450 сўм бўлади.

Каммаҳсулли ерлар ёки чорвачилик фермаларида ишлашга қарор қилган ижарачилар учун имтиёзлар белгилаш мумкинми?

Ижарачиларнинг каммаҳсулли ёки қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолган ерлардан, самарасиз ёки норентабел чорвачилик фермаларидан фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида хўжалик уларга имтиёзли шартларда, яъни ижара ҳақини камайтириш ёки самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун зарур бўлган давр мобайнида бундай ҳақни олмаслик ҳисобига ижарага бериши мумкин.

Ижарачининг хўжалик ҳисобидаги даромади қандай ҳосил бўлади ва ундан қай тарзда фойдаланилади?

Ижарачилар маҳсулотни реализация қилишдан келган даромад ҳисобидан ижара ҳақини қайтарадилар, қарзларни тўлайдилар, фойдаланилган моддий ресурслар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қиладилар, шартнома мажбуриятларида кўзда тутилган бошқа ажратмалар ва тўловларни амалга оширадилар. Пулнинг қолган қисми ижарачиларнинг хўжалик ҳисобидаги даромадини ташкил этади ҳамда уларнинг батамом ўз мулкидир, бу пулни қандай тақсимлаш ҳақида ҳеч ким кўрсатма бериш ҳуқуқига эга эмас. Ижарачилар даромадни коллектив аъзолари ўртасида тақсимлашдан ташқари ўз ташаббуслари билан ундан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, социал тараққиёт фондлари ҳамда резерв фондини вужудга келтиришлари мумкин. Улар группа ёки шахс мулки ҳуқуқлари асосида тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, автомобиллар, ускуналар, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший иморатлар харид қила оладилар.

Ижарачилар ўз пул маблағларини хўжалик бухгалтерияларидаги шахсий счетда, агрокомбинат (бирлашма)нинг молия-ҳисобот марказида ёки банк муассасасидаги ҳисоб-китоб счётида сақлайдилар.

Табиий офат ва бошқа хил кўнгилсиз ҳодисалар натижасида кўрилган зарар ижарачига хўжалик томонидан олинган страхование тўловлари, шунингдек хўжаликнинг ўз резерв фонди ҳисобидан қопланади. Бундан ташқари хўжалик қайтариб олиш асосида маблағ ажратиш йўли билан ҳам ижарачига ёрдам кўрсатиши мумкин.

Ижарачи коллективлар социал ривожланиш планларини амалга оширишда (болалар муассасалари, турар жойлар, йўллар ва бошқаларни сақлаш ҳамда қуришда) қай тарзда қатнашадилар?

Ижарачи ўзи амалий муносабатларга киришган хўжаликнинг социал тараққиётида асосан ижара ҳақи орқали иштирок этади. Қишлоқ хўжалик корхоналарини тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш шароитида фойда хўжалик социал тараққиётининг асосий манбаи бўлиб қолади. Хўжаликда ижара ҳақи унинг даромадларини оширишга, бинобарин, болалар муассасалари, турар жойлар, йўллар, маданий-маиший ва спорт объектлари, дам олиш уйлари ва ҳоказоларни қуришга маблағ ажратишга йўналтирилади. Таъкидлаб ўтилганидек, ижарачи колхозчилар ва совхоз ходимлари билан бир қаторда социал таъминот ва социал страхованиенинг барча турларидан, жумладан пенсия, отпуска, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун нафақалардан фойдаланади.

Шулар билан бир қаторда ижарачилар ўз хўжалик ҳисобидаги даромадларидан бир қисмини коллектив ходимларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш соҳасидаги тадбирларга сарфлашлари мумкин.

Хўжалик ходимлари ҳисобланмайдиган ижарачилар билан муносабатлар қандай амалга оширилади?

Колхозлар, совхозлар ва ердан фойдаланувчи бошқа корхоналарнинг кооперативлар ҳамда совхозларнинг ходимлари ёки колхозларнинг аъзолари ҳисобланмайдиган алоҳида гражданлар билан ижара муносабатлари СССРнинг «СССРда кооперация тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тарзда юқорида баён этилган ижара принциплари асосида олиб борилади.

Жумладан, ижарачилар юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланадилар, банк бўлимида ҳисоб-китоб счетига эга бўладилар. Шартномага мувофиқ ҳар қандай маҳсулот етиштиришлари ҳамда ўз ихтиёрлари билан уни тасарруф қилишлари, яъни хўжаликка топширишлари, бозор, матлубот кооперацияси ва бошқа йўллар билан сотишлари мумкин.

Ижарачилар социал страхование ва социал таъминотга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун мустақил равишда ўз даромадларидан социал страхование, давлат фондига ажратмалар киритадилар ҳамда давлатга даромад солиғи тўлайдилар. Улар СССР Агросаноат давлат комитети системаси корхоналари ва ташкилотларидан улгуржи нархларда ёки бошқа корхоналар ва ташкилотлардан келишилган нархларда маҳсулот етиштириш учун зарур бўлган моддий ресурслар сотиб оладилар, хизматлардан фойдаланадилар.

Ижара ҳақи миқдори худди хўжаликларнинг ходимлари ҳисобланадиган ижарачилар учун ўрнатилган тартибда, аммо маҳсулотни реализация қилиш ҳамда моддий-техника ресурсларини сотиб олишдаги хусусиятлар назарда тутилган ҳолда белгиланади.

Фаолият натижаларини ҳисоб-китоб қилиш, бухгалтерия ва статистика ҳисоботлари кооперативлар учун белгиланган тартибга мувофиқ юритилади.

Ижарачилар ўзларига биркитиб қўйилган ерларнинг унумдорлигини оширишга, ерларнинг унуми пасайиб кетганда ҳамда атроф муҳитига зарар етказилганда ўз маблағлари ҳисобидан тиклаш ишларини олиб боришга мажбурдирлар.

Томонларнинг мулкий муносабатлари иттифоқдош республика Гражданлик кодекси нормалари асосида изга солиб турилади.

Ижарачилар тиғиз иш даврида қандай шартлар билан одамларни қўшимча жалб этишлари мумкин?

Қўшимча ишчи кучларини бундай жалб этишга истисно тариқасида мавсумий ишлар даврида йўл қўйилади. Уларнинг меҳнатига ҳақ томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ тўланади, аммо бундай тўлов хўжаликда худди шундай ишларга бериладиган ҳақдан кам бўлмаслиги керак.

Низоли масалалар қай тарзда ҳал этилади?

Ижарачи ва ижара берувчи шартнома бўйича тенг ҳуқуқли шериклар сифатида иш кўрадилар. Улар ўртасидаги жамики муносабатлар юридик кучга эга бўлган шартнома асосида изга солиб турилади.

Ҳар иккала томон учун гарантияларни таъминлаш мақсадида намунавий шартномада санкциялар қўлланиш кўзда тутилган. Масалан, ижара берувчи мажбуриятларни бажармаслиги туфайли ҳосил кам олинса, моллар маҳсулдорлиги камайиб кетса ёки маҳсулот сифати пасайса, сарф-харажатлар ортиқча сарфлаб юборилса ва ҳоказолар рўй берса, у ижарачига етказилган зарарни тўлашга мажбур.

Ижарачи ўз мажбуриятларини тўла ҳажмда бажармаган тақдирда камоматни тўлайди ҳамда ижара берувчига етказилган зарар ўрнини қоплайди. Агар тупроқ унумдорлиги пасайиб кетса ёки ижарачининг айби билан унга ижарага берилган ресурсларга зиён етказилса, у тиклаш ишлари қийматининг ҳаммасини тўлашга мажбур.

Шартнома мажбуриятларига риоя қилинмаган тақдирда ижарачи ва ижарага берувчи шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга, қоида тариқасида бу иш қишлоқ хўжалик йили тугалланганидан кейин рўй бериши керак, бу ҳақда биринчи томон иккинчи томонни камида икки ой аввал олдиндан огоҳлантириб қўяди.

Рўй берган келишмовчиликлар ўзаро мақбул асосларда ҳал этилади. Бордию томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда келишиш иложи топилмаса, у ҳолда суд тартибида қараб чиқишга тўғри келади.

Ижара шароитларида ижарачи ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчиси бўлиб қолади. Хўжаликнинг, яъни ижара берувчининг вазифалари нималардан иборат?

Ижара муносабатлари шароитларида совхоз маъмурияти, колхоз правлениесининг энг асосий вазифаси моддий-техника таъминотини агротехника хизматини, маҳсулотнинг сотилишини йўлга қўйишдан, ижарачи муҳтожлик сезаётган бошқа турдаги хизматларни кенгайтириш ва сифатини яхшилашдан иборат бўлади. Ижара муносабатлари неғизида пудратни кенг ривожлантириш шароитида колхоз, совхоз хўжалик ҳисобидаги бошланғич кооперативларнинг ўзига хос бирлашмасига айланади. Бу эса озиқ-овқат етиштиришни жадал кўпайтириб бориш ва самарадорлигини ошириш учун яхши шарт-шароит вужудга келтиради. Ижара муносабатларини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг кенг иштирок этишлари муҳимдир, улар бевосита ижарачи коллективларга қўшилиб кетишлари зарур. Ижарачи коллективларнинг тузилиши ва муваффақиятли фаолияти юритишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, улар мустақил ишлашлари ҳамда шартномадаги мажбуриятларни тўла ҳажмда бажаришлари учун барча шарт-шароитни яратиб бериш хўжаликлар, агросаноат органлари раҳбарларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

* * *

СССР Агросаноат давлат комитети ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси ўртага қўйилган саволларга жавоб қайтарар экан, қишлоқда ижара муносабатларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлган барча кишилардан марказий ва маҳаллий матбуот саҳифаларида, махсус радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларда мунтазам равишда ёритиладиган энг яхши тажрибаларни умумлаштирувчи материалларни диққат-эътибор билан кузатиб боришни сўрайдилар.

(«Сельская жизнь» газетасининг 1988 йил 31 август сонидан).

ДЕМОКРАТИЯ ВА ОШКОРАЛИК ШАРОИТИДА

Август ойида Ўзбекистоннинг партия группалари ва цех ташкилотларида 24 мингтадан кўпроқ ҳисобот сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Чуқурлашиб бораётган демократизм ва тобора кенгаяётган ошкоралик шароитида ўтказилаётган бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусияти коммунистларнинг активлиги кучайганлигида эканлигини анализ кўрсатди. Йиғилишларда қатнашган коммунистларнинг етмиш беш проценти сўзга чиқиб, асосан турмушимизнинг энг ўткир, жуда муҳим муаммоларини тилга олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин 1 сентябрь куни оммавий-ахборот воситаларининг ходимлари билан учрашувда мана шулар ҳақида гапирди. У ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида Бутуниттифоқ XIX партия конференциясининг руҳи ва моҳитини сақлаб қолиш, ҳар бир партия группасида унинг принципларидан фойдаланиш партия ташкилотларининг бош вазифаси эканлигини таъкидлади. Бироқ, афсуски, ҳамма жойда ҳам бунга эришилаётгани йўқ, айрим партия ташкилотлари йиғилишларни эскича усулда ўтказишга уриниб, юзаки ёндашаётганликларини кўрсатмоқдалар. Кўпгина ҳисобот докладлари замон талабига мувофиқ эмас — бу докладларни одамларнинг тор доираси кенг активларни жалб этмай тайёрлаганлиги сезилиб турибди. Сўзга чиқаётган кишилар ҳамиша ҳам амалий таклифларни олға сураётганлари йўқ, ўз ишлари ҳақида ҳисобот беришдан нарига ўтмаяптилар.

Сентябрь ойида бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Барча коммунистлар — раҳбарлар ҳам, партиянинг оддий аъзолари ҳам кампаниянинг ўтган босқичи хатоларини эътиборга олиб, йилнинг энг катта йиғилишини юксак савияда, энг кўп самарадорлик билан ўтказиш учун талайгина иш қилишлари керак бўлади.

(ЎзТАГ).

НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚАЗИБ ЧИҚАРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Мамлакатнинг ёқилғи-энергетика потенциалини кўпайтириш шундай бир вазифаки, уни ҳал этишда Ўзбекистон нефть ва газ тармоқларининг меҳнатчилари фаол иштирок этмоқдалар. Профессионал байрам — Нефть ва газ саноати ходимлари кунига бағишлаб 2 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда эришилган натижалар, ривожланиш истиқболлари, муаммолар ва резервлар ҳақида гап борди.

«Ўзбекнефть» бирлашмасининг бош директори К. Ж. Ҳаққулов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан кишилар республика нефтчилари ўн иккинчи беш йиллик бошларида иш суръатларини кучайтиришганини қайд этиб ўтдилар. Товар маҳсулотнинг таннархи арзонлаштирилди, саноатда меҳнат унумдорлиги 1986 йилги даражага нисбатан 5,9 процент ошди. Йил бошидан буён ўн минглаб тонна нефть ва миллионлаб куб метр газ топириққа қўшимча қазиб чиқарилди.

Тармоқ меҳнатчиларининг ҳали кўпгина резервлари бор — янги конларни фойдаланишга топширишда, конларни очиб ишга солиш технологиясини такомиллаштиришда, илм-фан ютуқларини жорий этишда ана шундай резервлар мавжуддир. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш шароитида ишлаш муносабати билан каттагина имкониятлар аниқланиб, тобора ривожлантирилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ҳал қилинмаган масалалар кўп. Республика нефтчилари ва газчилари ўз куч-ғайратларини мана шу вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этишлари лозим.

(ЎзТАГ).

ЧЎЛҚУВАРЛАР ШИЖОАТИ

Косон районидаги шу йил ташкил этилган «ВЛКСМ XX съезди» комсомол-ёшлар хўжалиги чўлқуварлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Миришкорлар «оқ олтин»нинг сўнгги чаноғигача қисқа муддатда йиғиштириб олиш учун дала ишларини авж олдиришяпти.

Суратда: механизаторлар беллашувининг пешқадами Т. Шукуров.

Е. Ботиров фотоси.



• *Хат ва шарҳ*

ИНШОНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

«Ҳурматли редакция!

Мен 1977 йилда Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини битириб, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг йўлланмаси билан Абу Райхон Беруний номли Самарқанд педагогика билим юртига ишга келдим. Бу ерда яшаш жойим бўлмаганлиги учун буйруқ чиқиши биланоқ касаба союз ташкилотига ариза бердим. Орадан етти йил ўтиб, 1984 йилда турар жой учун менинг навбатим келганини айтишди. Шу йилнинг 11 декабрида профком Темирйўл район ижроия комитетига менга квартира ажратиш ҳақида илтимоснома ёзди. Унга профком раиси Н. Каримов имзо чеккан эди. Лекин квартира ажратишмади.

1985 йилда қайтадан ҳужжат тайёрлаб, ижрокомга топширдик. Афсуски, бу сафар ҳам қўёш кулиб боқмади. Самарқанд шаҳар ижроия комитети раиси Д. Аҳороврга бир неча марта учрашдим. Ниҳоят 1986 йилнинг 22 декабрь куни: «Ишхонангизга битта квартира ажратдик», — дейишди. Билим юртида раҳбарлар мени табриклашди. «Ниҳоят уйли-жойли бўлдинг», — деб менга қўшилиб қувонишди. Бирдан лўп этиб Махатов Холбой пайдо бўлди. У Қўйчиев деган товламачига квартира олиб бериш учун анча пул берган ва кўриб қолган эди. Билим юрти раҳбарлари негадир унга қайишдилар.

Мен 1979 йилда отам, онам, хотиним ва ўғлимизни шаҳарга кўчириб олиб келишга мажбур бўлгандим. Сиёб ариғи жарлиги ёнида бир ташландиқ уйда яшай бошладик. Бу ерда ичимлик сув, хонани ёритиш учун шароит йўқ эди. Шунга қарамай тартибга келтирамиз дедик. Лекин уй плансиз қурилган, ҳужжатлари йўқ эди. Ҳарчанд уринмайлик бирорта идора ёрдам бермади. Агар тўғрилагинимда шунча сарсонгарчиликка дучор бўлмасдим. Уйни ўз ҳолига қўйиб, квартира кута бошладик. 1980 йили уч ойлик қизимиз қаттиқ шамоллашдан вафот этди. Отамнинг аҳволи оғирлашиб қолди, зах унга ҳам таъсир қилганди. Уни қишлоққа олиб бордик, укамникида оламдан ўтдилар. Ўғлим ва кейинги қизим ҳам хасталанди. Бунинг устига бир фарзандимиз туғилмай кўз юмди. Хотиним ҳам бетоб бўлди. Кейин бу уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлдик. Шароитимиз ана шундай оғирлигини билим юртидагилар яхши билишарди. Лекин 1986 йил декабрида квартира ажратилгач, улар ҳаммасини «унутишди». 13 яварргача квартира ушлаб турилди. Бу орада Х. Махатов ҳужжатларини тўғрилаб келди ва квартирани «бир овоздан» унга бериб юборишди. Нега?

Кейин билишимча, Махатов: «Агар квартирани менга бермасангизлар, сирни очиб юбораман», — дея раҳбарларни қўрқитган экан. Дарҳақиқат, у беш-олти йилдан бери иншодан имтиҳон олади. Унинг «иш услуби» кўпчиликка маълум. 1987 йил имтиҳон пайтида жуда кўп иншоларни қайта кўчиртирганини биламан. Бу иншоларни асосан 3-«б» группасида таълим олган Дилшода Мардиева кўчириб берди. Билим юрти раҳбарлари ҳам Махатовдан илтимос қилишарди доим.

Махатов иншо эгаларини аниқлашда турли «пароллар»ни қўллайди. Масалан, «саҳифадан саҳифага ўтишда бир сўзни икки марта ёз» дейди ва ҳоказо. 1987 йилда сиртқи қабулга ҳужжат топширганларнинг кўпчилигида меҳнат стажи тўғри келмади. Лекин йўлини топишди. Гўёки ўқувчи 729-форма орқали йўлланма билан келган қилиб расмийлаштирилди.

3-«ж» группасига қабул қилинган Насиба Одилова, Гулнора Номозова, Насиба Тоҳирова, Шамсия Тўраева, Дилором Аҳророва, Гулнора Аҳмедова, Зулфия Отошова, Насиба Муҳаммадиева, Карима Мелиқуловаларнинг меҳнат дафтарларидан олинган нусха ўзгартирилиб, айримларининг иншолари қайта кўчиртирилди. Мен фақат Махатов ўқишга киритганларидан баъзиларини айтдим, холос. Хўш, бу бекордан «бажариладими»? Ахир, Махатовнинг қанча пули Қўйчиевда қолиб кетди. Товламачига ҳамтовоқ бўлганларнинг мушугини пишт дейдиган киши топилмади. Ҳатто, «Совет Ўзбекистони» газетасида «Қўйчиевнинг ҳамтовоқлари» деган фельетон ҳам босилганди.

Хуллас, пулдорнинг иши юришадиган замон эди ҳали. Мен Темирйўл райижрокомига бордим. Самарқанддаги барча тегишли идораларга кириб чиқдим. Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига ёздим. Ҳамма жойдан «биз квартира масаласи билан шуғулланмаймиз» деган мазмунда жавоб олдим. Кейин Темирйўл район прокурорига ёздим. Прокурорнинг катта ёрдамчиси Г. В. Гурская қуйидаги хулосага келди: «Сизга билим юртида ҳақиқатан ҳам квартира бермай тўғри қилишган. Чунки гражданин Махатов Х. сиздан олдин ариза берган. Бундан ташқари; сизнинг Петропольская 157 да уйингиз бўлган, лекин у БТИда рўйхатда бўлмаган». Қаерга ёзмайин, Гурскаянинг жавоби асос бўлди. «Ленин йўли» газетасида эса мақола тайёр бўлганда хатлар ва оммавий ишлар бўлими мудири А. Аҳмедов: «Редактор босишга рухсат бермади. Ижрокомга жўнатдик», — деди. Ҳалигача натижаси менга маълум эмас.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети бўлим мудири Л. В. Папчинская, Самарқанд шаҳар ижрокоми раисининг биринчи ўринбосари С. Арустамов: «Сиз ўша уйда яшаганда квартира навбатини йўқотгансиз», — деб жавоб қилишди. Кейинги хатларимни шаҳар ижрокоми секретари Масеев текшира бошлади. «Совет Ўзбекистони»га ёзган хатларимга, ҳатто, текширмасдан Масеевнинг «хулоса»си бўйича жавоб ёзиб юборишди. Фақат битта идора ҳақиқатни ёзди. Олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи область комитети раиси А. Қуваева имзо чеккан хатда менинг йўлланма билан келганим ва Петропольская кўчасида ижара тартибида яшаганим тўғри қайд этилган. Ростдан ҳам у уй менинг номимда бўлган эмас-да! Махатов эса 1979 йил, яъни мендан икки йил кейин навбатга ёзилган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига мурожаатнома ёздим. Текширишга область ижроия комитетидан Исоқов деган йигит келди. У профсоюз комитети раисининг рапорти ва Гурскаянинг «хулоса»сини олди-ю, ишга нуқта қўйди. Хуллас, ҳақиқатнинг кўзини очадиган мард топилмади. Оқибатда, мен ашаддий ёзувчи номини олдим. Билим юртида мени умуман навбатдан чиқариб ташлашди. Ҳозир менинг штатимни қисқартириш ёки билим юртида муҳитни бузганим учун ишдан четлатиш масаласи кўрилмоқда. Шу сабаб сизларга яна бир карра мурожаат қилдим.

Билим юртн музика ўқитувчиси Ў. НОРМАТОВ».

Редакциядан: «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ушбу хатни атрофлича ўрганиб чиқишни Самарқанд область бўйича ўз мухбири **Ж. МАМАТОВ**га топширди. Қуйида текшириш якуни бўйича ҳисоботни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ж. Маматов: — Ўринбой Норматов редакцияга йўллаган хатида кўрсатилган фактлар асосан тасдиғини топди. Бу ҳақда редакцияга 156 саҳифадан иборат олтмишта ҳужжатни тақдим этаман. Ҳақиқатан ҳам аслида квартира унга берилиши керак эди. Чунки у Петропольская кўчасидаги уйни расмийлаштира олмаган. Бу ҳақда БТИ томонидан берилган ҳужжат бор. Нима учундир делодаги бу ҳужжат прокуратурага асос бўлмаган? Бунинг устига прокуратура ҳужжатлари орасида 1985 йил 18 апрель куни ёзилган ва билим юрти профкоми раиси Н. Каримов, профком аъзолари К. Усмонова, С. Рисқулова, А. Асроровлар имзолаган акт бўлиб, унда қуйидаги сатрлар бор. «Ҳақиқатан ҳам Ў. Норматов ва оила аъзолари вақтинча билим юрти ётоқхонасида прописка қилинган. Лекин у ижарада яшайди. Ҳар ойига 40 сўм миқдорида ижара ҳақи тўлайди». Ҳужжатнинг давомида унинг шароити жуда оғирлиги қайд қилинган.

Холбой Махатов масаласига келганда, унинг қуйидаги тушунтириш хати диққатга моликдир: «Ҳақиқатан ҳам мен текширган иншоларда айрим грамматик хатоларга йўл қўйилган. Бунинг сабабларини қуйидаги ҳоллардан деб биламан. Биринчидан, бизнинг педагогика билим юртимизда кўп йиллар мобайнида қабул нормалари тўлмасдан келган. Шунинг учун ҳам (албатта, қабул комиссияси аъзоларининг кўрсатмаси билан) набор тўлиши учун баҳо қўйилган ва механик равишда хаталарга йўл қўйилган». Аслида ҳам шундайми?

Билим юрти директори С. Шокирбекова имзо чеккан справкада қайд этилишича, 1984 йилда 600 киши ариза берган, 550 нафари қабул қилинган. 1985 йилда 760, 1986 йилда 950, 1987 йилда 960 абитуриент ариза берган. Кўриниб турибдики, Махатов баҳона қилаётган «набор нормаси» ҳамма вақт ошиғи билан бўлган. У тушунтириш хатида иккинчидан қандай ҳол эканлигини ёзмади. Буни биз иншоларга назар ташлаганимизда сезиб қолдик. Гулнора Аҳмедова ёзган иншода Махатов 19 та жиддий хатони «кўрмай қолган». Бошқаларида 30—40 тагача хато ўтказиб юборилган. Ана шундай иншолардан йиғирмага яқинини редакцияга юбордим. Сир фош бўлмаслиги учун Махатов ўзи текширган иншоларга Қумри Масаидова деган ўқитувчига қўл қўйдирган. Текширувчини чалғитиш учун бу «услуб»дан усталик билан фойдаланишган.

Мен ўтказиб юборилган хатоларни Х. Махатовга кўрсатдим, у:

— Норматовнинг хотинини ҳам ўқишга ўтказганмиз. Керак бўлса, уни ҳам текширинг. Ҳужжатида чалкашликлари бор, — деди.

Тўғри, Ўринбой Норматовнинг хотини ҳам қалбаки ҳужжат топширган. Лекин бу Махатовни оқлайдими?

— Мен қайта қуришнинг оташин жарчисиман. Доим ҳақиқат тарафида бўлиб келганман, — деди Махатов. — Чўпон фарзанди бўлганим учун ҳам шундай қиламан.

— Ҳақиқатчиман, деб кўп гапирадиган одамлар кўпинча нопок бўлиб чиқадилар, — дедим мен унга. — Улар ҳақиқатпарастлик ниқоби билан яшайдилар. Хўш, нега нопок йўл билан квартира олмоқчи бўлгандингиз?

— Давр шуни тақозо этарди.

У билан узоқ тортишдик. Лекин бир фикрга кела олмадик. Бундай кишилар билан бир фикрга келиш жиноят йўлига кириш эканлигини шу ерда англадим. Аммо улар ўз ишларини ҳақиқат деб билганлари кишини ташвишга солади.

Иншонинг нархи қанча эканлигини прокуратура органлари аниқлаб беришлари керак. Одамлардан сўралса, дарров айтиб қўя қолишади, буни ҳар куни эшитамиз ҳам, лекин исботсиз, далилсиз гап ҳеч қачон ҳужжат бўлмайди-да!

Хуллас, иншонинг нархи қанча? Битта квартирами? Бир кишининг сарсон-саргардонлигими? Ёки...

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редакциядан: Иншонинг нархи қанчалигини аниқлаш мақсадида редакция Ўзбекистон ССР Прокуратурасига мурожаат қилади. Ёрдам тариқасида ўз ихтиёридаги иншоларни малакали мутахассисга текширтириб, хулосани ҳам тақдим этиши мумкин. Албатта, бу прокуратуранинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Чунки жуда кўп идоралар ҳақиқатдан кўз юмишган-да!

Балки иншонинг нархи аниқланса, Норматов ҳам квартирали бўлиб қолар?!

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

• *Шахмат бурчаги*

Халқаро арбитр М. МУҲИДДИНОВ бошқаради.

СПОРТ РАЗРЯДИ МУБОРАК!

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурсда минглаб иштирокчилар орасида 300 дан зиёд шахматчи турлича спорт разряди нормативларини бажарди. Қуйида ўша рўйхатнинг сўнгги саҳифаларини эълон қилмоқдамиз.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

I разряд. Ражаб Субонов (Деҳқонобод райони), Баҳром Шарипов (Қарши шаҳри),

II разряд. Ҳамид Азизов (Косон райони), Бахтиёр Болтаев (Муборак шаҳри), Сардор Узоқов (Баҳористон райони), Қўрғонбой Хўжамқулов (Чироқчи райони), Баҳодир Ҳалимов (Шаҳрисабз шаҳри), Камол Мирзаев, Жаббор Элмирзаев (Қарши шаҳри), Бурҳон Эшматов (Деҳқонобод райони), Эркин Мирзаев (Яккабоғ райони).

III разряд. Н. Абдуллаев, Маҳамадали Отақулов, Шерғози Нуритдинов, Худойберди Рўзиев, Зайниддин Саломов, Эшмамат Тоштемиров, Мустафоқул Тоиров, Р. Маматқобилов, Тоштемир Жўраев, Муртазо Мустафоқулов, Бахтиёр Ҳаққулов, Н. Холмуродов, Х. Раҳимов, Раҳматулла Хўжақулов, Дилмурод Вафоев, Ғанишер Рашидов, Эводилла Пўлатов, Дилрабо Шарипова.

IV разряд. Акбар Очилов, Ваҳоб Ғуломов, М. Дўстов, Олим Дилманов, Шуҳрат Майлиев, Рўзимурод Мўминов, Тўлқин Примов, Худойқул Расулов, Сайдмурод Суюнов, Нафас Сафаров, Эркин Тоғаев, Т. Ҳусанов, Нишон Шонаев, Баҳодир Эгамбердиев, Раҳмат Орипов, Алишер Абдураҳмонов, Чори Қиличев, Лутфулла Иброҳимов.

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР

III разряд. Ҳабибулла Маматов (Қирғизистон ССР, Ўш область Шамолдисой поселкаси), Абдумалик Холтоев (Қозоғистон ССР, Чимкент область, Сайрам районы), Ибодилло Имомиддинов (Тожикистон ССР, Колхозобод районы), Сапарбой Қўчқоров (Туркманистон ССР, Тошовуз область, Тозабозор поселкаси).

IV разряд. Каримжон Расулжонов, Муҳаббат Ҳасанова (Қирғизистон ССР, Ўш области), Т. Есимов (Қозоғистон ССР, Чимкент область, Сариоғоч шаҳри), Мирали Мирҳожиев (Чимкент область Сайрам районы), Ҳотам Кўчов (Тожикистон ССР Ленинобод область, Ашт районы).

Эслатма: республика шахмат федерацияси розилиги билан тузилган ушбу рўйхат кўрсатилган спорт разрядларини расмийлаштириш учун область, шаҳар, район спорт комитетларига ҳужжат вазифасини ўтайди.

Якунловчи 18-топшириққа жавоб нуқтаси қўйилар экан, конкурсимиз иштирокчиси, эндиликда унинг ғолибларидан бири, Чуст район партия комитети инструктори М. Мирзаева унга шундай сатрларни илова қилибди:

— Ҳурматли «Шахмат бурчаги» ижодкорлари, дарсларингиз ва бизга юклаган «ташвиш»ларингиз учун оила аъзоларим номидан миннатдорчилик билдираман.

Конкурс давомида нафақат катта ёшдагиларнинг, шу билан бирга фарзандларимизнинг — улар тўртта, — ҳам шахматга, айниқса, масала ва этюдларни ечишга иштиёқи ортди, бўш вақтимиз мазмунли ўтди. Бинобарин конкурсдан қатъи назар, «Совет Ўзбекистони» саҳифаларида «Шахмат бурчаги» билан мунтазам учрашиб туришни истаймиз. Ундаги материаллар қамрови янада кенгайса, чунончи, кооператив мот, тескари мот... ҳақида тушунчалар бериб борилса...

Ҳурматли газетхонимизнинг илтимосини бажо келтирамиз. Кооператив мот шахмат композициясининг ўзига хос тури бўлиб, шартга кўра унда қоралар одатдаги масалалардагидан оқларнинг мақсадга эришишига қаршилик қилмайди, балки аксинча, берилган юришлар ичида қора шоҳни мот қилишга кўмаклашади. Битта мисол.



Шарти: 2 юришда кооператив мот.

Ечими: 1. b1С (одатда юришни қоралар бошлайди), 1... Сb2, Крс2 (қоралар ўзини мот тўрига уряпти) 2... Фе2х.

БУНИСИ — ВАЗИФА

Диаграммадаги b2 пиёдасини с3 хонасига олиб қўйинг ва 2 юришда қора шоҳни кооператив мот қилинг. Юриш қоралардан бўлишини унутманг. Кооператив дегани — бирлашиш демак-ку, ахир.

ФУТБОЛ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ:

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Яна икки йилдан кейин ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари бошланди. Учинчи группага кирувчи командалар билан куч синашиб, финалга йўлланма олиши лозим бўлган СССР терма командаси биринчи учрашувни сафарда ўтказди. Футболчиларимиз Рейкьявикда Исландия командаси билан майдонга тушдилар. Учрашувнинг ўнинчи минутида Гретарссон ҳисобни очиб, майдон эгаларини олдинга олиб чиқди. Орадан 65 минут ўтгандан кейин футболчимиз Литовченко ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб вакилларимиз биринчи ўйинда дастлабки очкони қўлга киритишди. СССР терма командаси навбатдаги учрашувни ўз майдонида 19 октябрь куни Австрия футболчилари билан ўтказади.

БИРИНЧИ ЛИГА:

САФАРДА ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионатининг 30-тур ўйинлари тўпларга «танқисроқ» бўлди. 10 учрашувда дарвозалар бор-йўғи 17 марта ишғол этилди. Икки ўйинда майдон эгалари муваффақият қозонишди. Тўрт учрашувда дуранг ҳисоби қайд этилди. Қолган ўйинларда эса меҳмонлар ғалаба қозонишди. Чемпионат пешқадами — «Помир» футболчилари жами ғалабаларини 18 тага етказишди. Улар «Шинник» майдонида дарвозага иккита жавобсиз тўп киритдилар. Помирчилар 44 очко билан олдинда боришмоқда. Юқори ўринлардаги қолган иккита коллективнинг омади юришмади. Чунончи, иккинчи ўринда бораётган пойтахт армиячилари ўз майдонларида «Карпати» клубига (0:2) ютқазишди. Ставрополь динамочилари эса «Кубань» коллективини қабул қилишди. Учрашувда дарвозалар даҳлсиз қолди. Шундай қилиб, пойтахт армиячилари билан Ставрополь динамочилари 36 тадан очко билан иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

«Пахтакор» футболчилари эса сафар учрашувини кўтаринки руҳда ўтказдилар. Вакилларимиз «Таврия» майдонида учта жавобсиз тўп киритишга муваффақ бўлдилар. 13-минутда В. Постнов ҳисобни очди. 64-минутда эса мезбонлардан В. Науменко 11 метрли жарима тўпини нишонга ололмади. Орадан тўрт минут ўтгач, пахтакорчи М. Қосимов ҳисобни 2:0 га етказди. 70-минутда Г. Денисов командамиз ғалабасини мустаҳкамлади. Пахтакорчилар 34 очко билан бешинчи ўринга кўтарилишди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОВАРЛАР ПОЧТА ОРҚАЛИ ЕТКАЗИЛАДИ

ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН—ПОЧТАГА!

Бўш вақтингиз кўпми? Албатта, унчалик кўп эмасми? Устига-устак бўш вақтни магазинма-магазин юриб зое кетказиш кимга маъқул келади дейсиз.

«РОСПОСИЛТОРГ»НИНГ МОСКВА МАРКАЗИЙ САВДО БАЗАСИ

уй адресингизга қуйидаги товарларни етказиб беради (товар ҳақи посилкани олиш вақтида почтада тўланади):

ГАЛАНТЕРЕЯ ТОВАРЛАРИ

Бир лезвияли кассетали «СПУТНИК» соқол олиш аппарати — у соқолни тоза ва юзни оғритмасдан олиш имконини беради, фойдаланишга эса қулай. Аппаратда нархи 2 сўм 70 тийинли иккита икки лезвияли кассеталари бор.

«СПУТНИК» кассетали соқол олиш аппарати учун икки лезвияли кассеталар (беш дона лезвиядан иборат комплект) — баҳоси 3 сўм.

«ХАРЬКОВ-65» электробритваси — унинг учта айланувчи ва учта ҳаракатланмайдиган тишлари соқолни тоза, тез ва енгилгина олиш имконини беради. Электробритвада соч қирқадиган блок бўлиб, у билан мўйловни, сочни текислаш мумкин. Аппарат электр билан универсал озиқланиш блокига эга (110, 127, 220 вольтли электр тармоғида ишлайди) — баҳоси 23 сўм.

«БЕГУШЧАЯ ВОЛНА» (механик) соч олиш машинаси — баҳоси 5 сўм 15 тийин.

Сочни жингалак ҳолга келтирадиган электрошчитлар (соч ҳўллагичлари билан) — сочнинг узоқ вақт жингалак ҳолда ва ялтираб туришини таъминлайди (сочни қайта қуритишга ҳам ҳожат қолмайди) — 220 вольтли электр тармоғида ишлайди. Баҳоси — 11 сўм 50 тийин.

Массаж қилувчи прибор (бел ориғи, остеохондроз касалликларида, жисмонан толиққанда организмни массаж қилиш учун ишлатилади), 220 вольтли электр тармоғида ишлайди — баҳоси 11 сўм.

БОЛАЛАР УЧУН ТОВАРЛАР

Иссиқ ва енгил трикотаж устки кийим, 22—24 размерли. Баҳоси 65 тийиндан 2 сўмгача.

Турли рангдаги, расмлар солинган болалар юмшоқ одеяли, 100Х130 см. Баҳоси 4 сўмдан 5 сўмгача.

Болаларнинг пахтали одеяли, ип-газлама аралаштириб тикилган, 118Х118 см. Ўртача баҳоси 6 сўм.

Болаларнинг соф жундан тикилган, расмлар солинган одеяли, 100Х140 см. Баҳоси 17 сўмдан 28 сўмгача.

Болаларнинг рангли расмлар солинган ёпғичи. Ҳажми 125Х110 см. Баҳоси 3 сўм 20 тийин.

Болаларнинг жун этикка кийиш учун мўлжалланган резина калишлари. Размерлари, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19. Баҳоси — 1 сўм 10 тийин.

ЎЙИНЧОҚЛАР

Столда ўйналадиган футбол — футбол майдони, ёниб, ўйин ҳисобини кўрсатиб турадиган табло, футболчиларнинг шакллари, тўп. Баҳоси 5 сўм 65 тийин.

Кема моделчилиги учун турли деталлардан иборат набор пластинкалар, клей, резинка-венгерка ва бошқалар. Баҳоси 1 сўм 10 тийин.

БОШ ҚОТИРГИЧ ЎЙИНЛАР

(мантиқий фикрлашни, хотирани ривожлантиради)

«РАНЖИР» — баҳоси 70 тийин.

«ШАР» — баҳоси 3 сўм.

«МОЛДАВИЯ ПИРАМИДКАСИ» — деталларни йиғишда рангига қараб танланади. Баҳоси — 4 сўм.

Турли шаклларни йиғиш учун «Змейка». Баҳоси 3 сўм.

МУЗИКАЛИ ЎЙИНЧОҚЛАР

«СОЛОВУШКА» мини-органи — клавишли электрмузика асбоби. Орган музикасини эслатувчи майин оҳангда куй чалади. «316» батарейкаси билан ишлайди. Баҳоси 15 сўм.

Болалар музикали асбоблари комплекти (кичик мактаб ёшидаги болалар учун) — маракаслар, «Ромба» ўйинчоғи, оркестрли учбурчак, бубен. Баҳоси — 27 сўм 70 тийин.

Металлофон — 2 та металл пластинкадан ва иккита пластмассали болғачадан иборат. Баҳоси — 4 сўм.

Юқорида кўрсатиб ўтилган товарларни 1988 йил 15 октябргача буюртма қилиш мумкин.

Буюртмалар қуйидаги адресга юборилсин: 111126, Москва шаҳри, Авиамоторная кўчаси, 50-уй. Роспосилторгнинг Марказий савдо базаси.

●

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ ВАКАНТ ВАЗИФАГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Геология, ядро геофизикаси ва рудалар сифатини бошқариш (анология, рақамли ёки саноат электроникаси соҳаси мутахассиси) лабораторияси **илмий ходими.**

Конкурс муддати — 6 сентябрга.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 5-уй, илмий секретарга. Справкалар учун телефонлар: 32-27-94, 32-23-49.

●

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/IX да **Кармен**, 4/IX да **Этик кийган мушук** (12.00), **Қуёшга таъзим қил** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IX да **Куёв**, 4/IX да **Кориолан.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/IX да **Нурхон**, 4/IX да **Ака-ука совчилар**, 5/IX да **Тошболта ошиқ.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/IX да **Қора камар**, 4/IX да **Майсаранинг иши.**

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети марказий аппарати коллективи ва жамоат ташкилотлари Маҳаллий эшиттиришлар бош редакциясининг катта редактори Б. Зияевга синглиси

Наима ШОҒИЕСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи нашриёт редактори С. Мирзааҳмедовага отаси

Абдувоҳид ФОЗИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент полиграфия техникуми коллективи математика ўқитувчиси

Толқунбой Мирзаевич УСМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

• *Тингланг, томоша қилинг*

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.00 — Концерт. 9.25 —Нефть ва газ саноати ходимлари кунига. 10.25 — «Лотос» вокал-чолғу ансамблининг концерти. 10.50 — Меросимиз. 11.50 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.50 — Социализм мамлакатларида. 13.20 — Иттифоқдош республикалар киносанъати. 14.25— Дунё воқеалари. 15.15—«Ёруғ дунёни кашф этқб». Бадиий фильм. 16.30 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 17.30 — Халқаро программа. 18.50 — Шеърият лаҳзалари. 18.55 — Биз сизни кутяпмиз. 19.20 — «Кин-Дза-Дза». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Шанба оқшомида.

МТ-II. 8.30 — Гимнастика. 8.45 — Студия намойиш этади. 9.30 — Сайланмалар. 10.40 — Илмий-оммабоп фильмлар 11.30 — Ҳайвонот оламида.

3 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

●

13.35 — Илмий-оммабоп фильм. 13.45 — «Ниҳол ёш». Бадиий фильм. 15.05 — Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 16.55 — Иттифоқдош республикалар студияларининг фильмлари. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Берлинда меҳмонда. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — Хоккей. СССР чемпионати.

ЎзТВ-I. 9.00 — «Ассалому алайкум». 10.30 — Ҳужжатли фильм. 10.50 — Даволаш физкультураси. 11.00 — Советлар ва ҳаёт. 11.40 — «Танишинг, Балуев!» Бадиий фильм. 13.15 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 13.45 — Ҳужжатли фильм. 14.35 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 18.35 — Менинг доирам. 19.10 — Мультфильм. 19.20 — Фан уфқлари. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Катталар учун мультфильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Илон овловчи». Бадиий фильм.

ЎзТВ-II. Душанба. 17.55 — Кичкина деманг мени. 18.45 — Жаҳон бир ҳафта ичида. 19.00 — Новости. 19.20 —Шеърият кечаси. 20.00 — Ахбор. 20.20 — Телефильм 20.50 — Республикада хизмат кўрсатган артист Борис Нататиев куйлайди 21.30 — Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Буни фақат мен биламан». Бадиий фильм.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Дугоналар. 11.30 — Ёшлик. 12.10 — Строитель Ўзбекистана. 12.30 — Бахт ҳақида қўшиқлар. 12.50 — Шеърий лаҳзалар. 13.00 — Ўзбекистон чорвадори. 13.30 — Хатларингизни ўқиб. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30 — «Сусамбул». Ўзбек халқ эртаги асосида радиопостановка. 16.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 17.00 — Мусиқий меросимиз дурдоналари. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30— Дўстларимиз эстрадаси. 19.20 — Ёшлик. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — Шанба оқшомида. 22.45 — Дуторда М. Юнусов чалади.

Р—10945. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 202. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12